

Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги нишонланиши муносабати билан дам олиш кунларини кўчириш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2010 йил 28 август шанба ва 29 август якшанба дам олиш кунлари 2010 йил 30 август душанба ва 31 август сешанба кунларига кўчирилсин.

28 август шанба ва 29 август якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 18 август



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 21-avgust, shanba № 66 (8299) ISSN 2010-6416



ИШЛАШ МАВРИДИ КЕЛДИ

Дарс жараёнида янги инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш замон талаби. Таълим муассасаларида ўқитувчининг самарали ишлаши ва ўқувчининг чуқур билим олиши учун барча замонавий шароитлар яратилди. Ижтимоий-гуманитар, эстетика ва аниқ фанларни ўқитишда ахборот коммуникацион технологияларга кўпроқ мурожаат қилиш, табиийки, фанларнинг осон ва мустаҳкам ўзлаштирилишига таъсир кўрсатади. 150дан ортиқ ўқитувчи иштирок этган Яккасарой туманидаги 26-мактабда бўлиб ўтган анъанавий Август кен-

гашлари шўба йиғилишларида айнан ана шу жиҳатларга эътибор қаратилди.

— Мухокама қилинаётган масалалар долзарб, ўқитувчилар учун янгиликлар кўп, қулайликлар яратилган, ўқув дастурларининг оптималлаштирилганлиги кенг жамоатчиликка маъқул келди,— дейди 73-мактаб меҳнат таълими фани ўқитувчиси Фарида Абдуғафорова.

Шўба йиғилишида ушбу илғор тажрибали муаллима томонидан ташкил этилган очиқ дарс иштирокчиси 100-мактабнинг меҳнат таълими фани ўқитувчиси Сайёра


Усмонова тренинг машғулотида олган таассуротини куйидагича изоҳлайди:

— Дарс табиат, она тили, математика фанлари билан боғлаб ўтилди. Ўқитувчининг нутқи раvon, у кўргазмалли қуроллардан ҳам самарали фойдаланиб, ўқувчиларни дарсга мохирона жалб қила олди.

Ялпи йиғилишда ўтган ўқув йилида юқори кўрсаткичларга эришган ўқитувчиларга фахрий ёрликлар топширилди.

Ғолиб БАХРОМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

В.ГРАНКИН олган суратлар.



ОНА ЮРТ ФАРЗАНДАЛАРИ ЭЪЗОЗДА

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим-тарбияси, барча тенгдошлари билан бир хил шароитда униб-ўсиши ва жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, амалга оширилаётган ишлар салмоғи беқиёс.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Sen yolg'iz emassan» Республика болалар жамоатчилиги фонди, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази ва бошқа бир қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлари юртимизда ёшларнинг, шу жумладан, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ногиронлар, жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг ҳаётга ижтимоий мослашуви, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида камол топиши, келгусида ҳар томонлама муносиб турмуш кечиришини таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР, ЯНГИ ИШ УСУЛЛАРИ
энг чекка мактабларгача етиб боради
3-бет



Music of the 19-yillist oldidan
КОРАКАНОНИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
8-9-бетлар

«ТҮРТ»НИНГ ТАЪСИРИДА
тартиббузар ўқувчи аълочилар сафига кўшилди
10-бет

САМО УЗРА КЕЗАР «САМАРҚАНД»
11-бет

ОНА ЮРТ ФАРЗАНДАЛАРИ ЭЪЗОЗДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Яқинда бир гуруҳ ўқувчилар иштирокида Халқ таълими вазирлигининг Республика ёш саёхатчилар ва ўлкашунослар маркази томонидан Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Тошкент йўналишида саёхат уюштирилди. Ёшларни юртимизнинг бой тарихи, унинг осори-атиқалари, ажодларимиз ҳаёти билан таништириш орқали уларда Она ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган бу саёхат замирида яна кўпданкўп маъно мужассам. Унда 45 нафар Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва пойтахт умумтаълим мактабларида ўз билими ва тиришқоқлиги билан тенгдошларига ўрнатиб бўлиб келаётган иқтидорли болалар қатнашди.

Эрта тонгданок Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўзларига ажратилган "ISUZU" автобусида, иқтидорли болалар эса отаоналари бошчилигида Республика ёш саёхатчилар ва ўлкашунослар маркази олдидан тўпландилар. Ҳар бир боланинг юз-кўзида қувонч. Болалар бу ажойиб сафардан олажақ завқ-шавқини ҳозирданок тасаввур қилар экан, дўстларига ҳаёлидаги ўйлари, кўҳна ва гўзал шаҳарларимиз ҳақида китобда ўқиган, телевизор орқали кўрган қизиқарли маълумотларни гапириб бериш билан банд. Автобуснинг орқа ўриндиғига жойлашиб олган Отабек эса сафар сумкасини яна бир бора кўздан кечирмоқда.

— Устозимиз, "Самарқанд, Бухорога борганда дўстларинг билан расмга тушасан", деб уйларидадан фотоаппарат олиб келиб бергандилар. Шуни унутиб қолдирмадиммикан деб сумкамни текшираётгандим, — дейди 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Отабек Мирсодиқов. — Бугун жуда хурсандман. Ўртоқларим билан телевизорда кўрган тарихий жойларни ўз кўзимиз билан томоша қиламиз. Буоқ ажодларимиз яшаган, қадам излари қолган саройлар, мадрасаю

расадхоналарда бўлиш ажойиб бўлса керак.

— Қизим аълочи ўқувчи сифатида 235-мактабдан саёхатга борадиган ўқувчилардан бири этиб танланибди, — дейди фарзандини кузатгани келган Гулида Мансурова. — Биласизми, Самарқандга боришини эшитганидан бери қувончининг чеки йўқ. Саёхатга олиб борадиган буюмлари рўйхатини ҳар кун қайта-қайтадан тузиб чиқади. Бобосидан "У ерга борганда қандай обидаларни томоша қиламан?", деб сўрашдан чарчамайди. Ва ниҳоят бугун орзуси ушалмоқда.

Бир олам беғубор қувончу шодликни ўз бағрига ол-

бўлди. Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Моҳларойим Матмусаеванинг қоғозга туширган сатрларига разм солсангиз ўзингиз ҳам бунга гувоҳ бўласиз:

Республика ёш саёхатчилар ва ўлкашунослар маркази олдидамиз.

"Эрта тонгдан саёхатга отланган болалар автобус томон ошиқмоқдалар. Уларнинг қувончлари юзларидан билиниб турарди... Гўзал кўчалар бўйлаб бормоқдамиз. Устозимиз Самарқанднинг қадимий тарихи ҳақида сўзлаб борар эди. Автобус ойнасидан кўзга ташланаётган алп тоғлар,

мана шундай улуг зотларнинг авлодларимиз", деган улугвор туйғу зоҳир эди дўстларимнинг бу қувончида.

Машҳур "Регистон" майдонидамиз... Устозимиз деворлардаги суратларга таъриф берди. Бу кун ҳаётимдаги энг унутилмас лаҳзалар бўлди. Биз Самарқанддан яна жуда кўп таассуротлар олдик. Қолгани ҳақида кейинроқ ёзарман... Шу кун бир олам таассуротларни кўнглимизга жойлаб, энг кўҳна шаҳарларимиздан яна бири Бухоро азим сари йўлга чиқдик..."

лан томоша қилганинг бошқача экан. Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳи, Арқ қалъаси, Таги Тоғлар мажмуалари менда катта, ҳеч қачон унутилмас таассуротлар қолдирди. Бу саёхатдан ниҳоятда мамнун бўлдим.

Абдурахмон Садриддинов, 9-синф ўқувчиси:

— Бухоронинг қадимий обидалари ичра саёхат қилар эканман, ўзимни худди қадимий шаҳар ичига кириб қолгандек ҳис қилдим. Мадрасаю минораларга ўйилган нақшлар, уларнинг ёши мени мафтун этди. Тўғриси, ажодларимиз санъатига тасаннолар айтдим.

Шаҳрихон Бердиева, гуруҳ раҳбари:

— Саёхатимиз ниҳоятда қизиқарли ва сермазмун ўтди. Болалар бир олам қувонч ва таассуротлар олишди. Шу ўринда биз, аввало, юртимизда фарзандларимизга кўрсатилаётган бундай гамхўрликлар учун Юртбошимизга самимий миннатдорлик билдирамиз. Мамлакатимизда болажонларга, эртанги кунимиз эгаларига яратилган бу шароитлар ҳеч бир давлатда бўлмаса керак. Болаларимиз худди оила шароитида униб-ўсаётгандек, улар учун барча шароитлар яратилмоқда. Ҳар томонлама чуқур билим олишмоқда. Мана бугунги сафаримиз ҳам ана шу эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Икки кунлик саёхатдан сўнг болалар Тошкент шаҳрига қайтиб келишди. Узоқ йўл сафари чарчоғидан кўра кўрган-кечирганлари устунлик қилган болалар бир-бирларига ўзи кўрган энг қизиқ нарсалар ҳақида гапириб берарди. Шубҳасиз, бу саёхат уларнинг барчаси учун ёзги таътилдаги энг унутилмас воқеа бўлиб қолади. Энг муҳими эса, ўқувчилар қалбидан бой тарихимиз, улуг ажодларимизга ҳурмат ҳисси, уларга муносиб авлод бўлиш истаги ва мустақил юртимиз фарзандлари доимо меҳр ва эътибор огушида эканлигини ҳис қилиб камол топиш туйғуси янада мустаҳкам ўрин эгаллайди.

**Бахтиёр ЁҚУБОВ,
Сора ТОШЕВА,
"Ma'rifat" мухбирлари**



БУХОРО...

ган автобус йўлга тушди. Республика Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг махсус йўлбошловчи машинаси болажонларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун уларга ҳамроҳ бўлди. Кўҳна Самарқанд сари сабрсизлик билан ошиқётган болажонларнинг кайфияти улкан автобусни ҳам руҳлантиргандек темир улов жойидан енгил кўзғалиб, бир зумда кўздан узоклашди...

САМАРҚАНД...

Бу кўҳна заминга бир бор бўлса-да боришни орзу қилмайдиган юртдошимиз топилмаса керак. Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Имом Бухорийлар пойқадамлари қолган табаррук масканга кириб келган ҳар қандай инсонни ўзгача бир ҳиссиёт, руҳият камраб олиши шубҳасиз. Бизнинг жажжи саёхатчиларимизда ҳам шундай

жаннатмонанд гўшалар, ариқлардан оқаётган сувлар кишига ўзгача завқ бағишлайди. Уйин-кулгу билан бўлиб Самарқандга келганимизни ҳам билмай қолдик. Биз "Имом Ал-Бухорий" мажмуасига зиёратга ошиқдик. Мустақиллигимиз шарофати билан бу қадамжо таъмирланиб, жуда обод масканга айланибди. Ҳадис илмида ҳеч бир олим Бухорий каби салмоқли иш қила олмаган. Бу ҳар бир ватандошимизни ҳақли равишда фахрлантиради. Ушбу табаррук қадамжодан сўнг "Гўри Амир" зиёратгоҳига етиб келдик. Ҳашаматли гумбазларига олтин суви югуртирилган Амир Темурининг мақбараси хорижликларнинг ҳам ҳайратини ошираётганини кўриб кўнглимиз тоғдек кўтарилди. "Ахир биз

Истиклол йилларида миллат фикри, тафаккури ва мафкурасининг энг илғор намуналари акс этган, ДТС ва ўқув дастурида белгиланган меъёрий талаблар асосида ўқувчиларга бериладиган назарий, амалий тушунчаларни ўзида мужассам этган дарсликларнинг янги авлодини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни вақтда босқичлараро узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш бўйича ҳам жиддий ишлар олиб борилмоқда. Жорий ўқув йили учун қайта нашр қилинган дарсликларнинг мазмун-мундарижаси билан амалиётчи ўқитувчиларни таништириш, муаллифлар билан ижодий учрашув ташкил этиш мақсадида Республика Таълим маркази-

УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИК

дарсликларда ўз аксини топмоқда

да «Она тили», «Адабиёт», «Ўзбек тили» дарсликларининг тақдироти бўлиб ўтди.

ЎзФА Тил ва адабиёт институти директори, профессор Низомиддин Маҳмудов 9-синф, доцент Мухаммаджон Қодиров, РТМ филология бўлими бошлиғи Мухаббат Абдураимова 8-синф учун нашр қилинган «Она тили» дарсликлари, оптималлашти-

рилган мавзу ва дастурдаги ўзгаришлар билан йиғилганларни таништиришди. Дарсликлар муаллифлари уларга сингдирилган инсоний, миллий-маънавий қадриятлар, адабиёт фанининг маънавиятни юксалтиришдаги алоҳида ўрни, дарсликлар ҳажмининг қисқаргани, дастурдаги ўзгаришлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тақдиротдан сўнг айрим ўқитувчилар фикри билан ҳам қизикдик. Учтепа туманидаги 197-мактаб ўқитувчиси Зарифа Абдуазимова ва 229-мактаб ўқитувчиси Замира Абилова мураккаб мавзулар, жумладан, «Киритма ва мураккаб қўшма гаплар», «Хамса»даги айрим дostonлар ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги дарсликларга тўғри кўчирилганини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, қайта нашр қилинаётган дарсликларда узвийлик ва узлуксизлик таъминлангани, ўқувчининг психофизиологик имкониятларига мослаштирилгани айни муддао бўлди.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Ma'rifat" мухбири**

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида ўқув жараёнига АКТ ва илғор иш усулларини кенг жорий қилишга бағишланган семинар-тренинг ўз ишини бошлади. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу ўқувларда дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси мактаблари ўқитувчилари билим ва маҳоратларини оширмоқда.

Тараққиётнинг жадал суръатлари, жаҳон илм-фанидаги оламшумул янгиликлар ўқитувчиларнинг мунтазам равишда ўз билим, тажриба ва малакаларини ошириб боришини тақозо этмоқда. Шу маънода бир hafta давом этадиган мазкур семинар-тренинг устоз ва мураббийлар учун ўзига хос тажриба мактаби бўлиб хизмат қилиши тайин. Ўқув машғулоти 5 та фан йўналиши бўйича интерфаол усуллар воситасида олиб борилиб, ундан мактаб ҳаёти учун зарур тажрибалар ўрганилмоқда.

— Бу каби семинар-тренингларни ўтказишдан асосий мақсад ўқитувчи ва мураббийларни педагогиканинг замонавий илғор методларидан хабардор қилиш, уларни таълим-тарбия жараёнларида самарали қўллаш ва пировард мақсад — баркамол авлодни вояга етказишдир, — дейди институт проректори Мажид Умаров. — Машғулотларда иштирок этган педагоглар эгаллаган билим ва кўникмаларини жойлардаги ўз ҳамкасбларига ўргатадилар, яъни илғор тажрибалар босқичма-босқич оммалаштирилади.

Таъкидлаш ўринлики, семинар-тренинг умумий ўрта таълим мактабларидаги таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг долзарб масалалари, фанларни ўқитишда АКТдан фойдаланиш (биология, кимё, физика, математика ва она тили фанлари мисолида), АКТ ёрдамида ўқувчилар билимларини назорат қилиш ва баҳолаш мавзуларида олиб борилаётир.

Семинар-тренинг доирасида бир қатор маданий

— Ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги кунда биз ўқитувчи-педагоглар олдидан турган асосий вазифа-

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР, ЯНГИ ИШ УСУЛЛАРИ

ЭНГ ЧЕККА МАКТАБЛАРГАЧА ЕТИБ БОРАДИ

лардан бири янги педагогик технологиялардан таълим жараёнида самарали фойдаланишдир. Бу борада шу каби семинарлар ташкил этилаётгани биз учун айтиш мумкин бўлмоқда. Семинар-тренингларда АКТ ва янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усулларидан етарлича хабардор бўлдик.

Мен Қорақалпоғистон Республикасининг чекка қишлоқларидан бирида

АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Миргул МАТЕКЕЕВА, Тахтақўпир туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси:

— Ҳазрат Алишер Навоийда шундай сатр бор:

Билмагани сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим

Устоз-шогирд муносабатида ҳам шундай: хоҳ устоз, хоҳ шогирд билмаганини ўрганиб боради. Устоз шогирдининг дarsларини кuzатиб, ютуқлари қаторида камчиликларини ҳам кўрсатиб беради. Айни дамда дars жараёнида йўл қўйилган камчиликларини бартараф этиш чораларини, масалан, ўқувчилар билан тил топишиш, янги мавзу баёнида юзакиликдан узоқлашиш, баҳолаш меъёрига

Tashabbusning qanoti



дик. Мактаб раҳбари Насиба Нишонова ўқув жараёни, мактаб ўқитувчиларининг изланишлари тўғрисида батафсил гапириб берди. 2002 йили илм маскани «Меҳр нури» жамғармаси ҳомийлигида капитал рекон-

табнинг физика фани ўқитувчиси:

— Ўқув-тренингларда иштирок этиш давомида халқимизнинг «Бирники минга...» нақли ҳаёлимдан ўтди. Бу бежиз эмас. Сабаби, биз бу ерда ўқитишнинг ноанъанавий усуллари, дars ва машғулотлар жараёнида илғор педагогик технологиялар, интерфаол услублардан унумли фойдаланган ҳолда ўғил-қизлар онгига зарурий билим ва тушунчаларни моҳирона сингдиришнинг турли хил усуллари билан яқиндан танишдик. Таълим жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш, иқтидорлилар билан алоҳида шуғулланиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш йўллари атрофича ўргандик. Энг муҳими, тренинг машғулотида янги ўқув йилидан амалиётга жорий этилаётган ўқувчилар билимини баҳолашнинг янги, такомиллаштирилган рейтинг тизими афзалликлари ҳақида тўлақонли тушунча олдик. Бундан ташқари, илгарилари ҳужжат тўплашга кўп вақт кетарди. Ўқитувчи йиллик режа асосида 33та иш тури бўйича камида 18та дафтар юритиб, ҳисоботлар тайёрлаши зарур эди. Бунинг оқибатида, турган гапки, ўқитувчининг асосий вақти ана шу ортиқча ҳисоботларни юритишга сарфланарди.

Бу тизим илгариги тартибдан фарқли ўлароқ, баҳолаш тизимида қатор қулайликларни туғдиради, қолаверса, ўқитувчиларнинг кўпроқ ўз устида ишлашлари ва асосий эътиборни таълим-тарбия сифати, самарадорлигини оширишга қаратишлари учун кенг имкониятлар яратади.

Эндиликда туманимизга борганимизда ўрганган билим ва иш усулларимизни ўқитувчиларнинг Август кенгашларида ҳамкасбларимизга сўзлаб берамиз ва таълим юксалишига муносиб ҳисса қўшамиз, деган умиддаман.

Ўқув семинари яқунланади. Барча иштирокчиларга махсус сертификатлар топширилади. Келгуси ҳафтада яна юз нафар ўқитувчининг шундай семинар-тренингда қатнашиши мўлжалланапти.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Беҳзод ФАЗЛИДДИН,
«Ma'rifat» мухбирлари

Владимир ГРАНКИН
олган суратлар.



тадбирлар ҳам кўзда тутилган бўлиб, машғулоти иштирокчилари истиқлол йиллари мамлакатимиз пойтахтида олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлди. Мустақиллик ва эзгулик монументига таширф, театр, музей ва бошқа маданий-маърифий муассасаларга саёҳат устоз ва мураббийларда катта таассурот қолдирди.

ТАФОВУТ ЙЎҚОЛИБ БОРАЯПТИ

Набат КОЛБАЕВА, Кўнғирот туманидаги 6-мактабнинг математика ўқитувчиси:

дарс бераман. Кувонарлиси, жорий таъмирдан чиқарилган мактабимизда замон талаблари асосида ўқиш учун барча шароитлар етарли. Пойтахтга келиб, бу ердаги мактаблар, ҳамкасбларим фаолиятини кўриб-кузатиб, шунга амин бўлдимки, қишлоқ ва шаҳар мактаблари орасида тафовут деярли қолмапти.

Шунингдек, Мустақиллик майдони, Миллий боғ, Амир Темур хиёбони, Темурийлар тарихи ва Ўзбекистон тарихи давлат музейларига саёҳат бизда катта таассурот қолдирди. Тошкент қиёфаси кун сайин янада гўзаллашиб бораётгани дилимизни кувончга тўлдирди.

риоя қилиш орқали зиддиятга бормаслик йўл-йўриқларини ўргатади.

Устоз ва шогирд она-боладек, ота-ўғилдек самимий муносабатда бўлишлари керак. Халқимизда азалдан устоз-шогирд муносабатларига алоҳида эътибор бериб келинган. Халқ таълими тизимида ўзига хос янгилик сифатида жорий этилаётган «Устоз-шогирд мактаби» тизими ҳам таълим-тарбия жараёнида қўл келиши тайин. Семинар-тренингларда илғор тажрибаларни ўрганиш жараёнида шу каби фикрлар ўртага ташланди.

Айтиш жоизки, менга устоз сифатида 3 нафар шогирд-ўқитувчи бириктирилган. Улар туманимиздаги турли мактабларда фаолият юритишади. Шундай бўлса-да, доимий тарзда шогирдларим билан алоқадамиз. Уларга касб сир-синоатларини ўргатишга ҳаркат қилиб, ўқитишнинг турли усулларидан бохабар бўлиб боришларига кўмаклашаётиман. Бу ердан ўрганганларимни, олган таассуротларимни бориб, шогирдларим ва ҳамкасбларим билан ўртоқлашиш ниятидаман. Албатта, улар учун очик дarsлар ташкил қиламан.

«МАКТАБИМИЗ ЖАМИЯТ КЎРКИГА АЙЛАНДИ»

Олтиной РИМОВА, Кўнғирот туманидаги 52-мактабнинг математика фани ўқитувчиси:

— Биз ўқув дастури доирасида Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 243-умумий ўрта таълим мактаби ҳаёти билан таниш-

струкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминланибди. Мактаб кутубхонаси, маънавият хонаси, у ердаги ўзига хос дизайн киши эътиборини ўзига тортмасдан қолмайди. Яна бир жиҳати, кутубхонада бу йил мактаб остонасига илк қадам қўядиган 202 нафар ўғил-қиз учун Президент соғвалаги тахт қилиб қўйилган. Таъмирдан чиқарилган синфхоналар биология, кимё, физика лаборатория хоналари, компьютер синфи ўқув-лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган. Хуллас, мактаб янги ўқув йилига тахт ҳолда экан.

Очиги, биз ҳам мактабимизни жамият кўркига айлантириш йўлида изланишлар олиб бораяпмиз. Бу борада мактабимизга Кўнғирот сода заводи раҳбарияти ҳар томонлама ёрдам кўрсатаётир. Улар кўмагида илм маскани замонавий компьютерлар, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди.

Биз бунга жавобан Тошкент кимё-технология институти Кўнғирот филиали, кимё-технология касб-хунар коллежи жамоалари билан ҳамкорликда ўқувчиларимизнинг билим ва кўникмаларини юксалтиришга ҳаркат қилаётимиз.

Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда халқаро тренерлар ҳамда профессор-ўқитувчилардан олган билимларимиз, семинар-тренинг жараёнида эгаллаган тажрибаларимиз ўқув-тарбия жараёнига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

БИРНИКИ МИНГА...

Ерлан ШАРАПИЕВ, Мўйноқ туманидаги 18-мак-

НАВОИЙ ШАХРИНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА МАКТАБ ЯРМАРКАСИ ЎТҚАЗИЛИБ КЕЛИНМОҚДА. ШУ БИЛАН БИРГА НАВОИЙ ВА ЗАРАФШОН ШАХАРЛАРИДАГИ БОЗОРЛАРДА АЖРАТИЛГАН МАХСУС ЖОЙЛАРДА ҲАМ МАКТАБ БОЗОРЛАРИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 июлдаги қарорига асосан янги 2010-2011 ўқув йилига ўз вақтида тайёргарлик кўриш, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларини мактаб анжомлари, ўқув-методик қўлланмалар ҳамда мактаб кийим-кечаклари билан таъминлаш мақсадида жойларда махсус мактаб бозорлари ва ярмаркалари фаолият кўрсатмоқда.

Навоий вилоят халқ таълими бошқармасининг маълумотларига кўра, айни кунларда мактаблар қошида ташкил этилган ярмаркаларда ўттизга яқин турдаги ўқув қуроллари ҳамда турли адабиётлар, ўқувчилар кийимлари сотилмоқда. Мактаб бозорлари ва ярмаркалари ишини "Навоийулгуржимахсулот" ва "Навоийулгуржисавдоинвест" масъулияти чекланган жамиятлари корхоналари ҳамда уларнинг жойлардаги филиаллари мувофиқлаштирмоқда. Кармана туманидаги 28 умумтаълим мактабида 15 минг нафардан ортиқ ўқувчи таҳсил олади. Туман халқ таълими бўлими томонидан янги ўқув йилига тайёргарлик доирасида Дўрмон қишлоғидаги 3-мактабда, Ҳазора қишлоғидаги 9, Нарпай қишлоғидаги 11, Кармана шаҳридаги 15 ва Жалоир қишлоғидаги 13-умумтаълим мактабларида махсус ярмаркалар ташкил этилди.

Ярмаркага ташриф буюрувчилар янги ишлаб чиқарилаётган ва ўзлаштириш режалаштирилаётган ўқув методик қўлланмалар, янги дарсликлар, мактаб анжомлари ҳамда маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилаётган ўқув маҳсулотлари билан танишиш имкониятига эга бўлишлари ва ишлаб чиқариш соҳасида ўзаро тажриба алмашишлари мумкин.

"Туркистон-пресс"

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ИСТИРОХАТ БОҒИДА ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ, ПАРТИЯ СИЁСИЙ КЕНГАШИ МАРКАЗИЙ АППАРАТИ ВА ТОШКЕНТ ШАХАР КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ, «БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН» МАВЗУСИДА БАЙРАМ ТАДБИРИ ЎТҚАЗИЛДИ.

Унда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатлари, кам таъминланган оила фарзандлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Сўзга чиққанлар энг улуғ, энг азиз байрамимиз билан барчани муборакбод этдилар.

Тадбир доирасида корхона ва ташкилотларнинг миллий хунармандчилик, бадий асарлар намуналари акс этган маҳсулотлари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Шунингдек, партия қошида ташкил этилган «Ёш адолатчилар» кенгаши аъзолари, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллатларнинг миллий маданият марказлари вакиллари ва ёш ҳаваскорларнинг чиқишлари намойиш этилди, партия фахрийлари совға ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Мустақиллигимиз ва давлатимиз рамзлари билан боғлиқ совринли савол-жавоб тадбири йиғилганлар кайфиятига кўтаринчилик бағишлади.

Дилшод КАРИМОВ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ ЗИЁ МАСКАНЛАРИДА «УСТОЗ-ШОГИРД МАКТАБИ»НИНГ ИШ БОШЛАГИГА ҲАЛИ КЎП ВАҚТ БЎЛМАСА-ДА, БУ БОРАДАГИ ИЖОБИЙ ИШЛАР ЯҚҚОЛ КЎЗГА ТАШЛАНАЁТИР.

Қарши шаҳри, Нишон, Муборак, Китоб, Яқкабоғ туманларида 19та, Қарши, Шахрисабз, Миришкор, Косон, Фузур, Қамаш, Чироқчи туманларида 18та, Касби туманида 17та, Деҳқонобод туманида 16та шундай мактаб иш олиб бормоқда.

Ёзги таътил мавсумида вилоятнинг сўлим гўшаларидан бири Мироқидидаги 15-санаторий типидagi махсус мактаб-интернатда устоз-ўқитувчилар иштирокида ўқув-семинари ташкил этилди.

Семинарда "Баркамол авлод йили" давлат дастурида ёшлар тарбияси, "Таълимда инновация", "Дарс — ўқув жараёни ташкил этишнинг асосий шакли", "Дарс тузилиши ва турлари", "Анъанавий, ноанъанавий, ривожлантирувчи, муаммоли, эверестик дарслар: уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари", "Ўқитувчи фаолияти ва ўқув жараёнида учрайдиган педагогик низолар ҳамда муаммоларни ҳал этиш йўллари", "Ўқитувчи маҳорати, маданияти ва имижиси" каби долзарб мавзулар слайд ва маъруза-суҳбат тарзида муҳокама қилинди.

Ушбу мавзуларни ёритишда "Зинама-зина", "Венн диаграммаси", "Чархпалак", "Муаммо технологияси", "Бумеранг технологияси", "Кластер", "Сюжетли ролли ўйин" каби ўнлаб технология ва усуллардан фойдаланилди. Устоз-ўқитувчиларнинг дарслари семинар иштирокчилари учун амалиёт вазифасини ўтади.

Курсия ҚҮЛДОШЕВА,
Ўқтам МЕЙЛИЕВ

ИЛМ ОЛИШ НАФАҚАТ ҲАМ ҲАҚИНИНГ БИРИ ШУ БИЛИМЛАРНИ БОШҚАЛАРГА ЧИРОЙЛИ ҚИЛИБ ИФОДАЛАБ БЕРА ОЛИШ ҲАМДИР.

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатиш, маънавиятини юксалтириш, қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда нотиклик санъатининг ўрни катта. Ҳозирги кунда олий ўқув юрлари дастурига "Нотиклик санъати" фан сифатида киритилганлиги талаба-ёшлар ўртасида бу санъатга қизиқишни кучайтирди. Олий ўқув юрларида она тили ва хорижий тиллар бўйича ўтказилаётган "Нотиклик санъати" танловларида талаба-ёшлар тилларни пухта билиш, ўз нутқини раво ифодалаш имкониятига эга бўлмоқдалар. Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетидеги талабалар ўртасида анъанавий тарзда бўлиб ўтаётган "Энг яхши нотик", Губкина номидаги Россия нефть ва газ университети Тошкент филиалида инглиз тили бўйича доимий ўтказилаётган "Нотиклик санъати" кўрик-танловлари фикримизнинг исботидир.

Ушбу санъатни янада ривожлантириш, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида махсус тўғарақлар ташкил этиш баркамол авлод таълим-тарбияси ривож учун муҳим қадамдир. Олий ўқув юрлари кутубхоналари қошида ҳам нотиклик илмини ўрганиш мақсадида тўғарақлар ташкил этилса, келажакда бор билимини ёш авлодга моҳирлик билан етказиб берувчи педагоглар етишиб чиқиши, шубҳасиз.

Шахбоз ҲАЙТОВ,
ЖИДУ талабаси



МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 19 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШ МАҚСАДИДА «МУСТАҚИЛ ЮРТ ЖАМОЛИ» ВА «МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИГИМИЗ — МИЛЛИЙ ҚАДИРИЯТЛАРИМИЗ БАРДАВОМЛИГИ КАФОЛАТИ» МАВЗУСИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Маънавият тарғибот маркази, Мирзо Улуғбек туман Маънавият ва маърифат кенгаши, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар ахборот-таҳлил маркази, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти кенгаши ҳамкорлигидаги тадбирда тумандаги барча корхона, ташкилот, ўқув муассасалари раҳбарлари, туман маҳаллалари ёшлари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар 19 йил давомида кўлга киритилган ютуқлар, ёшлар эришаётган муваффақиятлар хусусида тўхталишди. Шунингдек, таниқли ва ҳаваскор санъаткорлар чиқиши ҳамда "Моҳир кўллар", "Тасвирий санъат", "Расм" тўғарақлари, "Миллий либослар" кўргазмалари йиғилганлар кўнглини шод қилди.

Шунингдек, "Маҳаллий ва миллий тадбиркорлик" кўрик-танловининг туман босқичи ҳам бўлиб ўтди.

Эргаш ХҲҲАЕВ,
"Туркистон-пресс"

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ВИЛОЯТЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎЗARO ДЎСТЛИКНИ ЯНАДА МУСТАХКАМЛАШ, УЛАРНИ ОММАВИЙ СПОРТГА ЖАЛБ ҚИЛИШ, ШУНИНГДЕК, ВЕЛОСПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА ОММАЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА «КАМОЛОТ-ТУР» МИЛЛИЙ ЁШЛАР ВЕЛОМАРАФОНИ ТАШКИЛ ЭТИБ КЕЛИНМОҚДА.

Жорий йилда ҳам бу анъана давом эттирилди. У уч йўналиш бўйича ўтказилди. 1-йўналишда Нукус—Урганч—Навоий—Бухоро—Самарқанд—Жиззах—Гулистон—Тошкент бўйлаб, 2-йўналиш Термиз—Қарши—Самарқанд—Жиззах—Гулистон—Тошкент шаҳарларини "боғлади". Фарғона—Андижон—Наманган—Қўқон—Ангрен—3-йўналиш бўлди. Дастлабки йўналишга масофа олислиги сабаб 9 август кунини старт берилган бўлса, кейингиси 10 августдан бошланди.

— Марафонда профессионал пойгачилар билан биргаликда ҳаваскорлар, маҳаллаларда истиқомат қилувчи оддий ёшлар ҳам иштирок этишди. — дейди Марказий кенгаш мутахассиси Мамур Баёнов. — Веломарафон доирасида чекка ҳудудлардаги иқтидорли спортчиларни аниқлаш, уларнинг маҳоратини намойиш этишни назарда тутган мастер-класс мусобақалари ҳам ташкил қилинди.

Йўналишлар ҳаракатланиши давомида марафончилар бир кунда 100 км. масофани босиб ўтиб, жойларда таниқли спортчилар, соҳа мутахассислари, санъаткорлар ва маданият ходимлари иштирокида ташкил этилган давра суҳбатларида иштирок этишди. Учрашувлар ва бир қатор маданий тадбирлар ўтказилди. Ушбу тадбирларга жойлардаги минглаб ёшлар қамраб олиниб, уч ҳудуддан йўлга чиққан спортчилар барча вилоятларни босиб ўтиб, Тошкент шаҳрига етиб келишди.

«Камолот-Тур» 3-Миллий ёшлар веломарафонида қатнашган 18 нафар фаол иштирокчи ҳамда ғолиблар «Камолот» ЁИХ ва ҳамкор ташкилотларнинг махсус диплом, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Анвар ҚОБИЛОВ

БАРЧА ЖОЙДАГИ КАБИ ФУЗОР ТУМАНИДА ҲАМ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН.

— Ўқитувчиларнинг анъанавий Август кенгаши ва шўба йиғилишларига пухта ҳозирлик кўриш баробарида, янги ўқув йилига ўқитувчи ва ўқувчилар ҳам ҳар томонлама тайёрланишмоқда, — дейди тумандаги 74-умумтаълим мактаби директори Шавкат Қултоев. — Энг қувонарлиси, болажонлар Мустақиллигимизнинг 19 йиллик шодиёнасини янги ўқув биносида кутиб олишади. Бундан биз беҳад хурсандмиз.




Туманнинг С.Раҳимов маҳалласида 315 ўринли янги мактаб биносининг бунёд этилиши чиндан-да қувонарли ҳол бўлди. Энди маҳалла болалари ана шундай замонавий ўқув биносида таълим-тарбия оладилар. Мактабга спорт ва ўқув-лаборатория жиҳозлари келтирилмоқда.

Янги ўқув йили олдида 1-синфга чиққан 28 нафар ўқувчига Президент совғаси берилди.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири

АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАР ДАРСЛИГИ



Она тили таълимида идрок интизомини қарор топтириш, ўқувчининг теран сезгисини тарбиялаш миллий руҳ тарбиясининг айнан ўзидир. Она тили дарсликларидоги фикр баёнида ўзбек тилининг элементар қонун-қоидаларидан ташқари, бу тилнинг бутун жозибаси муайян даражада намоён бўлиб туриши, у ўқувчида тил сезгиси ва севагини тарбиялашга хизмат қилиши зарур.

Дарсликлар олдига қўйилган дидактик талабларда ўқув материаллари ўқувчиларнинг ҳар бир синфда ўрганган бошқа ўқув фанлари ва уларда амалий кўникмалар билан узвий боғлиқликда тақдим этилиши назарда тутилади.

2010-2011 ўқув йили учун Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан яқинда қайта нашр этилган 8-синф «Она тили» дарслиги (муаллифлар: М.Қодиров, Х.Неъматов, М.Абдураимова, Р.Сайфуллаева) ана шу талабларга мувофиқ мазмунан янгиланган. Дарслик ДТС ва ўқув дастурида белгиланган меъёрий талаблар асосида ўқувчиларга бериладиган назарий ва амалий тушунчаларни ўзида қамраган. Дарслик материаллари ўқувчиларда тафаккур ва нутқни ривожлантиришнинг асосий омиллари, яъни луғат бойлигини ошириш, сўз бойлигидан ижодий матн яратиш жараёнида фойдаланиш, мустақил фикр ифодасининг мақсад ва нутқ вази-

ятига мувофиқлигини танлашга мослаб тузилган.

Дарсликда амалиёт билан назариянинг узвий алоқадорлиги ҳисобга олиниб, даставвал мавзуга тегишли топшириқлар берилган; она тилининг “Синтаксис, оҳанг, тиниш белгилари” бўлими юзасидан маълумотлар қамраб олинган. Дарсликда мавзуга доир амалий топшириқлар мазмунли, таълимий-тарбиявий аҳамият-

тан фарзандиман”, “Ўзбекистонда куз”, “Ўзбекистоннинг нақшинкор тарихий иншоотлари” каби мавзуларда матн яратиш, иншо ёзиш топшириқлари берилганки, мазкур амалий ишлар ҳам мактаб она тили таълимининг бош мақсади — ўқувчиларни нутқий фаолиятга тайёрлаш вазифасини амалга ошириш имконини беради. Дарсликда иқтидорли ўқувчилар учун алоҳида машқ ва топ-

«Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар», «Маънавият ва жамиятнинг янгила-ниши» деб номланган фасл-ларидаги она тилининг бу-гунги кундаги нуфузи, вазифа-си ҳақидаги фикр-мулоҳазалар инobatга олиниб, дарслик маз-мунига сингдирилган.

Янги нашрнинг муҳим жи-ҳати яна шундаки, унда тил ҳодисалари талқинида узвий-лик, изчиллик таъминланган.

Bu sizning kitobingiz: o‘qing, o‘rganing, asrang, avaylang!

га эга, ўқувчилар ёши ва пси-хологиясига мос. У индуктив таълим усулига амал қилинган ҳолда — материаллар амали-ётдан назарияга қараб бориш тарзида шакллантирилган бўлиб, мазмунига миллий ис-тиқлол ғояси сингдирилган. Машқ топшириқлари, ҳар бир мавзудан кейин берилган са-вол-топшириқлар ўқувчиларда ижодий ва мустақил фикрлаш кўникмаларини шаклланти-ришга хизмат қилади. “Мен саккизинчи синф ўқувчиси-ман”, “Конституция — бахти-миз қомуси”, “Онажоним — меҳрибоним”, “Маънавият — қалбим кўеши”, “Мен озод Ва-

шириқлар мавжуд. Ўқувчилар-нинг мустақил фикрлашини ўстиришга катта ўрин ажратил-ган. Бунда дарс материалла-ри матн таҳлилидан бошла-ниб, матн яратиш топшириги билан якунланади. Бу, албат-та, ўқувчини ўқишга ўргатиш-га ундайди. Дарсликнинг ме-тодикаси илғор педагогик те-хнология усуллари, кўпроқ ди-дактик ўйинлар билан бойи-тилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юксак маъ-навият — енгилмас куч” аса-рининг «Маънавият — инсон-нинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир» номли боби,

Зотан, Ўзбекистон Республи-каси Олий ва ўрта махсус таъ-лим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 31 мартдаги 134/62-сонли «Уму-мий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимнинг ДТСлари, ўқув дастурлари уз-вийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида» деб чи-қарган қўшма буйруғи асоси-да иш олиб борган олимлар, амалиётчи ўқитувчилар ва ме-тодистлардан иборат ишчи гуруҳлари томонидан билди-рилган фикр-мулоҳазаларга асосан 8-синф ўқувчилари учун «Киритма гаплар» мавзу-сини ўзлаштириш бир қадар

мураккаб эканлиги аниқланди. Бу мавзу касб-хунар коллеж-лари ўқув дастурига ўтказил-ди. Шунинг учун 1 соатлик бир мавзу (“Киритма гаплар”) ўрни-га ушбу синфда ўрганилади-ган “Содда гап синтаксиси” бўлимидаги “Фель кесим ва от кесим” мавзуси қўшиб берил-ди.

Амалиётчи ўқитувчилар машғулотларни шундай таш-кил этишлари керакки, ўқувчи ҳамиша дарслик билан иш-лашга эҳтиёж сезсин, “Китоб-ни қадрламоқ керак, бу тафак-кур қасрига ҳурмат-эҳтиром билан қадим қўймоқ керак” деган ҳикматга амал қилишни ҳар доим ёдида тутсин.

Г.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
Республика таълим
маркази методисти

Dars shiori: “Yurtim — ko‘ksim, elim — iligim” (xalq maqoli).

Dars maqsadi:
a) ta‘limiy maqsad: o‘quvchilarga Vatan, yurt, Mustaqillik, erk tushunchalari haqida ma‘lumot berish;

b) tarbiyaviy maqsad: Mustaqillik va erk tushunchalarining tarbiyaviy jihatlari e‘tibor qaratish. O‘quvchilar qalbida Vatanga muhabbat hissini kuchaytirish;

d) rivojlantiruvchi maqsad: o‘quvchilarni mustaqil fikrlashga, erkin mushohada yuritishga, o‘z fikrlarini dalillar bilan bayon qilishga o‘rgatish.

Dars jihozi: Prezident I.Karimovning “Yuksak ma‘naviyat — yengilmas kuch” asari, O‘zbekiston xaritasi, yurt ravnaqi bilan bog‘liq rasmlar, texnik vositalar: kompyuter, televizor, magnitofon va slaydlar.

Dars turi: aralash.
Fanlararo bog‘lanish: adabiyot, tarix, musiqa, tabiat, tanirish san‘at, mate- matika, kasbga yo‘naltirish, geografiya.

Darsning boshlanishida xonanda Ozodbek Nazarbekovning “O‘zbekiston” qo‘shig‘i qo‘yib eshittiriladi.

O‘qituvchi: — Assalomu alaykum, dono, bilimdon Vatan egalari. Ko‘zlarin- gizdan shuni sezdimki, siz bugungi darsni juda intiqib kutgansiz. Darsni boshlashdan oldin sinf o‘quvchilari guruhlariga bo‘linib, o‘zi o‘rganib kelgan mavzulariga mos bekatlardan joy egalaydi (televizorda O‘zbekiston tarixi, buguni va istiqboli bilan bog‘liq lavhalar ko‘rsatiladi).

O‘quvchilar “Bilimdonlar”, “Ijod”, “Sarguzashtlar”, “Ustalar” bekatlarini tanlashadi.

O‘qituvchi: Ishtirokchilarni o‘z bekatlariga bo‘lib olsak.

(O‘quvchilar 4 guruhga bo‘linib, o‘z bekatlari bo‘yicha joylashishadi. Yozuv taxtachasidagi O‘zbekiston xaritasi asosida 4ta nuqta belgilanadi va shu nuqtalarga guruhlar o‘z nomlari yozilgan varaqlarni ilib qo‘yadi).

“Bilimdonlar” multimedia asosida o‘z bilimdonligini namoyish etadi.

Guruh a‘zolari birma-bir 1991-yildan beri mamlakatimizda qabul qilingan va kuchga kirgan davlat ahamiyatiga molik hujjatlarni sanaydilar va sharhlaydilar.

O‘qituvchi: — Rahmat, bilimdonlar, sizlarning bilimingizga tasanno! Qani, kim davom ettiradi?

“Ijod bekatlari” a‘zolari O‘zbekiston Respublikasining davlat ramzlarini ta‘riflashadi.

O‘qituvchi: — O‘zbekiston Respublikasi Davlat gerbi to‘g‘risidagi qonun 1992-

O‘ZBEKISTON — MENING VATANIM, BAXT-U IQBOLIM MAKONI

(5-6-sinflar uchun)

“Ma‘rifat” gazetasining shu yil 11-avgust sonida Respublika ta‘lim markazi mutaxassislari tomonidan tayyorlangan bir soatlik dars ishlanmasi bilan tanishib chiqdim. O‘zbekiston mustaqilligining 19 yilligini munosib kutib olish uchun Xalq ta‘limi vazirligi tomonidan Mustaqillik darslarini ta‘sirchan, mazmunli o‘tkazish bo‘yicha buyruq qabul qilingan bo‘lib, ushbu dars ishlanmasi ana shu maqsadni o‘z ichiga oladi. Mazkur tavsiya asosida 5-6-sinflarda o‘tiladigan “O‘zbekiston — mening Vatanim, baxt-u iqbolim makoni” mavzusi bo‘yicha biz ham dars ishlanmasi tayyorlab, hamkasblarimiz hukmiga havola etishga qaror qildik.

yi 2-iyulda O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining X sessiyasida qabul qilingan. Markazida tasvirlangan Humo qushi baxt-saodat va erksevarlik ramzidir...

O‘quvchi: — Buyuk bobokalonimiz A.Navoiy Humo qushini barcha tirik mavjudotlar ichida eng saxovatlisi deb ta‘riflagan.

O‘quvchi: — Gerbning yuqori qismida Respublikamizning sobit va barqarorligi ramzi sifatida 8 qirrali yulduz tasvirlangan. U “qutlug‘” degan ma‘noni anglatadi.

(Sahnada “Humo qushi” raqsi ijro etiladi va uning atrofidan oy va yulduzlar, davlat bayrog‘i haqidagi fikrlar, 1991-yil 18-noyabr, VIII sessiya kabi plakatlar raqs davomida namoyish etiladi va bu guruh a‘zolari kompyuterda slaydlar asosida har bir viloyatning ko‘zga ko‘ringan joylaridan lavhalar namoyish etishadi, o‘quvchilar she‘r o‘qishadi.)

O‘qituvchi: — Rahmat ijodkorlar, ijod- laringizga baraka. Navbat “Sarguzasht” guruhiga yetib kelgan ko‘rinadi.

O‘quvchi: — Vatanning har bir qarich yeri muqaddas. Bu tuyg‘u xalqimizda juda qadrlanadi. Vatanning muqaddas va har qarich yeri bebaho ekanini bildiruvchi ko‘plab rivoyatlar bejiz yaratilmagan.

O‘quvchilarga yurtimiz tarixi bilan bog‘liq savolnomalar tarqatiladi:

1) Qanday tarixiy shaharlarni bilasiz?

2) Yurtimiz tarixi bilan bog‘liq qahramonlar nomini sanang.

3) Qanday afsona va rivoyatlarni bilasiz?

4) Plakatlarga qarab, tarixiy jihatlarni aks ettiruvchi voqealarni izohlang.

5) Tarixiy kinofilmlardan sanab o‘ting. O‘quvchilarning javoblari tinglanadi.

O‘quvchilar yozgan javoblarga qarab, o‘qituvchi Xiva, Buxoro, Samarqand, Termiz kabi tarixiy shaharlar haqida, Alpomish, To‘maris, Shiroq, Qirg‘iz, Najmiddin Kubro, Jaloliddin Manguberdi va shu kabi xalq qahramonlari haqida to‘xtaladi.

Shu bilan birga tarixdan hikoya qituvchi kinofilmlar qisqacha izohlanadi.

O‘qituvchi: — Ofarin, “Sarguzasht”- chilar. Bizni tarix bilan oshno etdingiz. Endi navbatni o‘z- o‘zidan “Ustalar” guruhiga beramiz.

Qani, utar biz bilan nimani baham ko‘rishmoqchi? Marhamat!

“Ustalar” guruhi a‘zolari o‘z qo‘llari bilan yasagan “Mustaqillik maydoni” maketini, applikatsiya usulida yasalgan bayroq, turli don mahsulotlari — bug‘doy, mosh, loviya, no‘xat, guruchdan, chigit va pista po‘chog‘idan foydalanib tayyorlagan gerb va Konstitutsiya kitobi maketlarini namoyish etishadi va har biriga ta‘rif-tavsif berishadi.

O‘qituvchi: — Rahmat, mehnatsevar bolajonlar, qo‘li gul hunarmand avlod ekaningizga ishonamiz.

Endi sizlarga raqamlar o‘yinini taklif etaman. Bu tarqatmalarda savollar bor, qaysi guruh a‘zolari 1-bo‘lib javob berarkan?

1. O‘zbek tiliga Davlat tili maqomi berish to‘g‘risidagi Qonun qachon qabul qilindi? (1989-yil 21-oktabr).

2. O‘zbekiston Respublikasining mustaqilligi qachon e‘lon qilindi? (1991-yil 31-avgust).

3. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi kuni bayramini qachondan beri nishonlaymiz? (1992-yil 8-dekabr).

4. Milliy valyuta — so‘m qachon joriy etildi? (1994-yil 1-iyul).

5. “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” qabul qilingan sana? (1997-yil 29-avgust)

6. O‘zbekiston Respublikasida “Ta‘lim to‘g‘risida”gi qonun qabul qilingan sana? (1997-yil 29-avgust).

7. Mamlakatimiz Birlashgan Millatlar Tashkilotiga qachon a‘zo bo‘ldi? (1992-yil 2-mart).

Tezkor savollarga tezkor javoblar talab etiladi:

1. O‘zbekiston hududidan oqib o‘tuvchi eng katta daryolar qaysi?

Amudaryo, Sirdaryo

2. 2010-yil qanday yil deb nomlandi? “Barkamol avlod yili”

3. 31-avgust qanday kun hisoblanadi? “Qatag‘on qurbonlarini yod etish” kuni

O‘qituvchi: — Bugungi darsimizda yana quyidagilarni sizlarning hukmingizga havola etmoqchiman:

— 1-Mustaqillik ordeni 1994-yilda ta‘sis etilgan bo‘lib, unga 1-bo‘lib adabiyot sohasida yozuvchi A.Qodiriy sazovor bo‘lgan.

— 2009-yili foydalanishga topshirilgan “Toshguzar-Boysun-Qumqo‘rg‘on” temir yo‘lining o‘ziyoq nafaqat vohamiz, balki yurtimiz ahli uchun chinakam mo‘jiza bo‘ldi.

— Mustaqil Vatanimizning jahon avtomobilsozlik sohasida dunyoning 28 mamlakati orasidan o‘rin egallashi yurtimizning har sohada ustunlikka erishayotganini bildiradi.

O‘quvchi: — Ha, biz ana shu yurt farzandlarimiz.

O‘quvchi: — Dunyo hamjamiyati tan olgan yurtning “Barkamol avlodlarimiz”.

O‘quvchi: — Sport sohasidagi yutuqlarimiz ham O‘zbekiston nomini jahonga yoydi. Rustam Qosimjonov, Abdulla Tangriyev, Abbas Atoev va boshqalar. Ayniqsa, bu yilgi futbol bo‘yicha jahon chempionatining birinchi o‘yinini yurtdoshimiz Ravshan Ermatovning ochib boshqarganligi millatimiz, xalqimiz, Ona yurtimizning jahonni yana bir bora hayratga solishiga sababchi bo‘ldi. O‘quvchilar bilimi ko‘krak nishonlari bilan rag‘batlantiriladi.

Uyga vazifa sifatida “Bu yorug‘ olamda Vatan bittadir” mavzusida referat yozib kelish topshiriladi.

Xushvaqt BEGASHEV,
Dilbar NORMURODOVA,
Termiz shahridagi 11-maktab
o‘qituvchilari

Avgust kengashlari sho'ba yig'ilishlarida

НАТИЖА ТАРАДДУДГА БОҒЛИК

Республикамиз вилоятларидаги барча умумтаълим мактабларида айни кунларда анъанавий Август кенгашлари бўлиб ўтмоқда. Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими методика кабинети мудир Истат Имомова куйидагиларни гапириб берди:

— Энг аввало барча мактабларимизда «Устоз-шогирд» мактаблари ташкил этилиб, унинг харитаси, шогирдлар ва устозларнинг йил давомида олиб борадиган иш режалари тузилди.

27-28 июль кунлари вилоятимиздаги бир гуруҳ тажрибали ўқитувчилар ҳамда мутахассислар Тошкент шаҳрида бўлган ўқув-семинарда август кенгашларида қилинадиган ишлар бўйича тажриба ва малакаларини ошириб қайтишди. Унда оптималлаштирилган Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, «Устоз-шогирд мактаби» амалиёти самарадорлигини ошириш, ўқувчилар билимини назорат қилишнинг такомиллаштирилган рейтинг тизими тўғрисидаги Низомни — ўқитувчи ва педагогларнинг иш юкла-

масини белгилаш ва тақсимлашни амалда кенг қўллаш, таълимда узлуксиз хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, инновацион технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш каби масалалар юзасидан билимлар берилди. Ўрганилган бу каби билим ва тажрибалар вилоят миқёсида 21та фан йўналишида шаҳар ва туманлардан вакил сифатида қатнашган тажрибали устозлар иштирокидаги вилоят ўқув семинарида яна бир бор ўргатилди. Вилоятимиздаги барча туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари мутахассислари ҳамда тренерлар ҳамкорлигида ўқитувчилар билан ўқувлар ташкил қилинди. Жумладан, Бухоро шаҳридаги мактабларда фаолият юритаётган 2234 нафар ўқитувчи 5 кун мобайнида 18-мактаб базасида 21та фан йўналишидаги 11та шўбада қатнашди. Бу семинар-тренинглар ўқитувчиларимизга кенг кўламда билим берди ҳамда янгича таълим бериш сари яна бир қадам қўйилди.

Сора ТОШЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

ТАЖРИБАЛИ ЎҚИТУВЧИЛАР ТАШАББУСИ

Андижон шаҳридаги 2-умумтаълим мактабида география ҳамда «Иқтисодий билим асослари» фанлари ўқитувчиларининг анъанавий Август кенгашлари олдида шўба йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги барча мактабларнинг фан ўқитувчилари иштирок этди.

Шўба йиғилишлари гуруҳларга бўлинган ҳолда тренинг усулида ўтказилди. Иштирокчилар 24, 25, 27, 31-мактабларнинг ўқитувчилари — Чўлпон Шарипова, Озодахон Абдуллаева, Шоирахон Қиличева ҳамда Наргиза Ҳакимова тренерлигида ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашлари, ўқувчиларга бугунги кун талаблари асосида таълим-тарбия бериш борасидаги янгилıklar асосида ўз фикр-мулоҳаза, тажрибаларини ўртоқлашдилар.

— Янги ўқув йили аслида Август кенгашларидан бошланади, — дейди

шаҳар халқ таълими бўлими ижтимоий фанлар услубчиси Насибохон Самадова. — Бугунги шўба йиғилишига тўпланишимиздан кўзланган мақсад — география ҳамда «Иқтисодий билим асослари» фанларидан ўқув дастурларига киритилган ўзгаришлар билан атрофлича танишиб, янги ўқув йилида ўқитиш сифати ва мазмунини оширишдан иборат.

Йиғилиш қатнашчилари, шунингдек, ўқитувчилар иш юкламаси, устоз-шогирд усулида ишлаш, рейтинг тизимига киритилган ўзгаришларни ҳам муҳокама қилдилар. Янги ўқув йилининг иш режалари белгилаб олинди.

Шўба йиғилиши тафсилотлари умумлаштирилиб, кейинги ҳафтада бўладиган Август кенгашларига тақдим этилади.

О.СИДДИКОВ

Андижон вилояти

Сергели туманидаги 104-мактабда анъанавий Август кенгашларининг шўба йиғилишлари бўлиб ўтди.

Мактаб раҳбарлари, ўқув-тарбия ишлари бўйича директор муовинлари, тренерлар 4та шўбага бўлинган ҳолда иш олиб борди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим сиёсатининг муҳим мақсадларидан бири ҳам ёш авлод-

ни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашдир, — дейди туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудир Дилбар Мираҳмедова. — Таълим соҳасидаги барча янгилıklar ўқувчиларда кенг дунёқарашни шакллантиради.

Шунингдек, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармасида таҳсил олган 303-мактаб ўқитувчиси Муҳаббат Аҳмедованинг туман мактабларининг Давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчилари учун «Ҳуқуқ

фанини ўқитишда инновацион технологияларнинг аҳамияти» мавзусидаги маърузаси тингланди. Мазкур маъруза орқали ўқитувчилар учун «Келинг, танишайлик», «Тушунчалар таҳлили», «ФСМУ технологияси» каби ўйинлар ҳақида маълумот бериб ўтилди. Ушбу

услуб ўқувчиларнинг ўтилган мавзуларни тез ўзлаштириши, эркин фикрлаши, фаннинг долзарб томонларини тезроқ сингдириб олишида жуда ҳам қўл келади.

Семинар сўнгида қарши таъсир саволлар анкетаси тарқатилиб, йиғилганларнинг фикр ва мулоҳазалари тингланди.

Анвар ҚОБИЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЯНГИЛИК ЯНГИЛАНИШГА ЧОРЛАЙДИ

Yangi pedagogik texnologiya talablari asosida darsda va darsdan tashqari mashg'ulotlarda boshlang'ich sinf o'qituvchilari mustaqil ish sifatida matematik diktantlardan foydalanishi ham katta samara beradi. U o'quvchilarni mantiqiy fikrlashga o'rgatadi. Matematik fikrlar zanjirining so'zdagi bayonida timsollar va amallar yordamida algebraik ifodalar tuzadi va chizmalar yasaydi. Bu fandan o'tkaziladigan diktantlarning xususiyati shuki, topshiriqlar tinglab bajariladi. Masalalarning son qiymatlarini esda saqlash o'quvchilarga qiyin bo'lgan hollarda zarur ma'lumotlar doskaga yoziladi. Diktantlar ta'limiy ahamiyatga ega. O'quvchi o'qituvchining gapini eshitib, topshiriqni bajarishga ijodiy kirishadi.

Diktant o'tkazish va tekshirish usuli turlicha bo'lishi mumkin. Bu usul o'rganilayotgan materialga, o'quvchilarning tayyorgarlik darajasiga va o'qituvchining biror diktantni o'tkazishda o'z oldiga qo'ygan maqsadiga bog'liq. Diktantni dars boshida yoki oxirida mavzu mazmuniga qarab, 8-10 daqiqada o'tkazish mumkin. Diktantning eng ko'p tarqalgan shakli quyidagicha: o'qituvchi avval butun matnni o'qib beradi (o'quvchilar eshitib turadilar), so'ngra o'qituvchi birinchi topshiriqni asta-sekin tushunarli qilib bir marta o'qiydi, ya'ni har bir topshiriq bir marta o'qiladi. O'quvchilar o'ylab ko'rib, topshiriqning javobini birdan yozishlari ham mumkin. Yoki misolning javobini yechib yozishadi, tegishli chizmalar chizishadi. Diktant tugagach, o'qituvchi butun matnni qaytadan o'qib, har bir jumla oxirida biroz to'xtaladi. Bu topshiriqlarni tugatolmagan o'quvchilar uchun ham bir imkoniyatdir.

Agar o'qituvchi ishga baho

qo'yimoqchi bo'lsa, uni yig'ib oladi, qolgan hollarda diktant sinfda frontal nazorat qilib boriladi. Diktantni frontal tekshirishda o'quvchilar har bir topshiriqning javobini o'qishadi, yoki uni doskaga yozib bajarishadi. Diktant ish daftoriga yoziladi. Matematik diktantlarning mazmuni dars mashg'ulotlarida egallangan bilimlarni kengaytirish va chuqurlashtirishga qaratilgan bo'lishi kerak. Bunday diktantlar dars davomida qisqa vaqt ichida o'tkazilsa ham, o'quvchilar juda ko'p mavzularni esga oladilar.

Matematik diktantlarni o'tkazishda

МАТЕМАТИК ДИКТАНТ — ТАФАККУР МАШҚИ

o'quvchilar egallab borayotgan bilim, ko'nikma va malakani nazorat qilishga imkon yaratiladi, bu bilan o'qituvchi har bir o'quvchidagi mavjud kamchilikni yoki butun sinfdagi nuqsanlarni bilib olish imkoniga ega bo'ladi.

Matematik diktant orqali o'tilganlarni takrorlab borish ko'nikmasi shakllantirilib, o'quvchini o'z bilimidagi nuqsan yoki kamchiliklarni o'zi nazorat qila olishga, egallagan bilimining mustahkam va aniq ekanligiga to'liq ishonch bilan qarashga o'rgatish mumkin. Shuningdek, unda diktantni yozish uchun diqqat bilan tinglash, bee'tibor bo'lmaslik kabi sifatlar ham tarbiyalanadi.

1-sinf uchun matematik diktantlar

1. a) O'ylangan songa 1 soni qo'shildi va 5 hosil bo'ldi.
b) Qaysi son 5dan 1ta ortiq, 7dan 1ta kam, 6dan 1ta kam? Uni yozing.
d) 5dan kichik bo'lgan sonlarni yozing.
e) 3dan keyin keladigan sonni yozing.
2. a) Eng kichik sonni yozing.
b) 6dan oldingi, 4dan keyingi sonni yozing.
d) Uchburchak va to'rtburchakning nechta burchagi, uchi va tomoni borligini yozing.
e) 1dan 6gacha bo'lgan sonlarni

- b) 7 soni 10dan nechta kam?
d) Birinchi qo'shiluvchi — 6, ikkinchi qo'shiluvchi noma'lum son, yig'indi — ? Ikkinchi qo'shiluvchini toping.
e) 8 hosil qilish uchun qanday songa 2ni qo'shish kerak?
6. a) 9 va 1 sonlarining ayirmasini yozing va hisoblang.
b) 6 va 7 sonlarini taqqoslang. Qaysi biri katta?
d) 7 soni 6dan qancha katta? 6 soni 7dan qancha kam? Ularni qanday tenglashtirish mumkin?

2-sinf uchun matematik diktantlar

1. Barcha bir xonali sonlarni ortib borish va kamayib borishi tartibida yozing.
 2. Hamma yaxlit sonlarni ortib borishi va kamayib borishi tartibida yozing.
 3. 5 va 7 raqamlari yordamida yozish mumkin bo'lgan hamma ikki xonali sonlarni yozing.
 4. Qatorni davom ettiring, yana 4ta son yozing.
A) 74, 75, 76, ...
B) 82, 81, 80, ...
 5. Bir xonali son 6ni 7ta, 8ta, 9ta orttiring.
 6. Ikki xona eng kichik sonni 4ta, 5ta, 6ta, 7ta kamaytiring, misol ko'rinishida yozing.
 7. Ikki xonali eng katta sonni 34ta, 25ta, 12ta kamaytiring.
 8. Bir xonali eng katta son bilan ikki xonali eng kichik sonning yig'indisini yozing va hisoblang.
- Topshiriqlar shu tarzda yuqori sinfga o'tgan sari murakkablashib boradi.
- Hidoyatxon IMOMALIYEVA,
Uchko'prik tumani Xalq ta'limi bo'limi boshlang'ich ta'lim uslubchisi
Shahloxon XOLMATOVA,
Uchko'prik tumani 11-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi

tartib bilan va shu sonlarni teskari tartibda yozing.

3. a) 4 sonidan bitta kam bo'lgan son qanday topiladi? Misol ko'rinishida yozing.
b) 5 hosil qilish uchun 4ta misol yozing.
d) 1, 2, ..., 5, .. 7da tushirib qoldirilgan sonlarni yozing.
e) Sonlarni taqqoslang va kerakli belgini qo'ying. 3...4, 5...4, 2...2, 2...1
4. a) 8ni 1ta orttiring, 9ni 2taga kamaytiring.
b) 9 soni 7dan nechta ortiq?
d) Bir son o'yladim. Unga 2 qo'shganda 8 hosil bo'ldi. Bu qanday son?
e) Birinchi qo'shiluvchi — 5, ikkinchi qo'shiluvchi — 2. Bu sonlarning yig'indisini toping.
5. a) 8 soni 10dan nechta kam?

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСТИҚЛОЛ КЎЗГУСИДА

1991

■ Республикадаги жами мактаблар сони — 693та.
Шундан:
замонавий типдаги — 302та;
мослаштирилганлари — 389та;
авария ҳолатидаги — 2та.

Мактабларнинг моддий-техник базаси:
дарсликлар таъминоти — 71 фоиз;
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 34,8 фоиз;
компьютер ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 21 фоиз;
мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 61,6 фоиз.

■ Республика болалар спорти объектлари:
спорт залига эга мактаблар сони — 366та;
болалар спорти объектлари сони — 2та;
болалар спорти объектларининг спорт анжумлари ва усқуналари билан таъминланганлиги — 20 фоиз;
ёшларнинг оммавий спортга қамраб олинганлиги — 18,5 фоиз.

■ Республикадаги мусиқа ва санъат мактаблари сони — 20та.
Шундан:
замонавий типдаги — 3та;
мослаштирилганлари — 7та;
авария ҳолатидаги — 10та.

■ Республика хунар-техника билим юртлари сони — 56та.
Шундан:
замонавий типдаги — 37та;
мослаштирилганлари — 19та.

Ўрта махсус таълим муассасалари моддий-техник базаси:
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 40 фоиз;
компьютер, ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 30 фоиз;
мавжуд техника воситалари сони — 120та.

Ўрта махсус таълим муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:
педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 3600 нафар.
Шундан:
фан докторлари — йўқ;
фан номзодлари — 10 нафар;
олий маълумотли ўқитувчилар — 3000 нафар.

Ўрта махсус таълим йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — 57та.

Хунар-техника билим юртларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — 16000 нафар.

■ Республикадаги олий таълим муассасалари сони — 3та.
Шундан:
университетлар — 1та;
институтлар — 1та;
филиаллар — 1та.
ОЎЮларининг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 23 фоиз.
Компьютер билан таъминланганлиги — 13,3 фоиз.

Профессор-ўқитувчилар сони — 604 нафар.
Шундан:
академиклар — 2 нафар;
профессорлар — 10 нафар;
фан номзодлари ва доцентлар — 86 нафар;
аспирантлар — 9 нафар.
Талабалар умумий сони — 9865 нафар.
Мутахассисликлар умумий сони — 33та.

1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001 2002 2003 2004 2005 2006 2007 2008 2009

Умумий ўрта таълим



● 25 нафар ўқитувчи Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига сазовор бўлди. Жумладан, 1 нафари «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», 1 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббиси», 4 нафари «Дўстлик» ордени, 1 нафари «Меҳнат шухрати» ордени, 18 нафари «Шухрат» медаллари билан таъдирланди.

● 1998—2010 йиллар оралиғида 65 нафар ўқитувчи педагогик грантларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

● 2010 йил 2 нафар ўқитувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси гранти асосида Германияда малака ошириб қайтди.

● Қорақалпоғистон Республикасида 311та «Устоз-шогирд мактаби» ташкил этилиб, унга 933 шогирд-ўқитувчи бириктирилган.

● Туман ва шаҳарларда 16та «Илгор педагогик технологиялар маркази» ташкил этилган.

● БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида Болага

Ўрта махсус, касб-хунар таълими

● 96 нафар ўқитувчи Австралия, Германия, Жанубий Корея, Япония сингари давлатларда малака ошириб қайтди.

● Тайванда ўтказилган иккинчи Осиё физика олимпиадасида Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицейи ўқувчиси Жиёмурат Мамбеткаримов диплом билан таъдирланди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик



дўстона муносабат лойиҳаси бўйича республикада 150та мактаб иш олиб бормоқда. Республика педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти лойиҳа бўйича тажриба-синов майдончаси этиб белгиланган.

● Мустақиллик йилларида IV босқич фан олимпиадаларига Қорақалпоғистон Республикаси тасарруфидаги умумтаълим мактабларидан 20та фан кесимида 304 нафар ўқувчи қатнашиб, шундан 96 нафари Ўзбекистон миқёсида ғолиб деб топилган.

● 1997 йили Нукус шаҳридаги ихтисослашган мактаб ўқувчиси Алишер Санетуллаев Туркияда бўлиб ўтган Евроосиё халқаро ёш физиклар олимпиадасида олтин медални қўлга киритди.

● Нукус шаҳридаги 32-мактаб ўқувчиси Рустам Султонов Қозоғистон пойтахти Астана шаҳрида ўтказилган халқаро математика олимпиадасида олтин медал соҳиби бўлди.

● 2006 йили Москва шаҳрида ташкил этилган рус тили ва адабиёти ҳамда табиий фанлар бўйича халқаро олимпиадада Нукус шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси Александра Терёхина бронза медалини қўлга киритди.

● Нукус шаҳридаги 37-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Гулмира Мустапаева, Қўнғирот туманидаги 36-мактаб 8-синф ўқувчиси Диана Мамутова, республика бадий санъат лицейи 9-синф ўқувчиси Анипа Артикова ҳамда Қораўзак туманидаги 8-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Улбосин Орқбаева Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.

● Ташкент давлат аграр университети Нукус филиали ўқитувчи, талабалари Жанубий Кореянинг Кума университети

лицейи ўқувчиси Гулназ Шнекеева «Келажак овози» кўрик-танлови совриндори бўлган бўлса, шу лицейи ўқувчилари Несибели Мамбетмирзаева 2008 йили, Кумар Бегниязова эса 2009 йили Зулфия номидаги давлат мукофотини қўлга киритди.

● Ушбу лицейнинг яна бир қатор ўқувчилари — Ерناзар Хамидуллаев спортнинг байдаркада эшакка эшиш тури бўйича Ўзбекистон биринчилигида, Баҳодир Толыбаев дзю-до бўйича Ўзбекистон биринчилигида ҳамда Нуржамол Алаватдинова кикбоксинг бўйича Ўзбекистон очик чемпионатида фахрли 1-ўрин соҳиби бўлди.

● Нукус шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод-2008» спорт мусобақаларида қорақалпоғистонлик ёшлар умумжамоа ҳисобида 1-ўринни қўлга киритди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг 11 нафар талабаси «Умид» жамғармаси ҳамда турли халқаро грантларини қўлга киритиб, АҚШ, Германия, Англия сингари мамлакатларда таҳсил олиб қайтди.

● Университетнинг 1 нафар талабаси Президент стипендияси, 5 нафари Улугбек, 4 нафари Беруний, 8 нафари Навоий, 3 нафари Бердақ ва 1 нафари халқаро Менделеев номидаги стипендиялар соҳиби бўлди.

● Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзбекистон — Ватаним меним» кўрик-танловида ҚДУ талабалари 2003 ва 2010 йилларда фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

● 2010 йилда олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўрик-танловида ҚДУ жамоаси 1-ўринни эгаллади.

● ҚДУ талабаларида Б.Нуруллаев оғир атлетика бўйича Осиё ўйинлари совриндори, 2 бор олимпиада иштирокчиси сифатида «Ўзбекистон ифтихори» унвонига сазовор бўлди. 2001 йил А.Турданов самбо бўйича жаҳон биринчилиги совриндори, 2003 йил Н.Ҳожибоев миллий кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон универсиадаси чемпиони, 2003 йил А.Эштаев эркин кураш бўйича халқаро турнир совриндорига айланди.

● НДПИ талабаси А.Аюезбаев Японияда ўтказилган бокс бўйича Осиё чемпионатида 1-ўринни қўлга киритиб, халқаро спорт устаси номига сазовор бўлди.

● Яна бир иқтидорли талаба Н.Қазақов 2009 йил Вьетнам давлатида бўлиб ўтган спортнинг пенчак-силат тури бўйича мусобақада 3-ўринни эгаллади.

● 2006 йили Тошкент педиатрия институти Нукус филиалининг 5-босқич талабаси З.Палуаниязова илм йўналишида Зулфия номидаги давлат мукофотига, 2007 йили эса Президент стипендиясини қўлга киритишга сазовор бўлди.

● Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали ўқитувчи, талабалари Жанубий Кореянинг Кума университети

● Қорақалпоғистон Республикаси болалар спорти мажмуаларида 15га яқин спорт тури бўйича жами 754та спорт жамоаси мавжуд. Уларга жами 259747 нафар ўқувчи жалб қилинган.

● Гулистон шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари-2009» спорт мусобақалари республика босқичида кураш бўйича Қўнғирот туманидаги 5-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нурбол Парахатов 66 кг. вазн тоифасида, сузиш бўйича «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиси Нарғиза Бекимбетова 50 метр масофага эркин усулда сузиш бўйича I ўринни эгаллади. Баскетбол бўйича Нукус шаҳар 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қизлар жамоаси, волейбол бўйича Беруний тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўғил болалар жамоаси совринли II ўринни эгаллаган бўлса, спорт гимнастикаси бўйича Нукус шаҳар 4-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари Сарбиназ Бекмуратова II ўринни, Гулсина Мешенова III ўринни эгаллаб, спорт гим-

Олий таълим



тида, Санкт-Петербургдаги Бутун Россия ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти ҳамда Хитойнинг Шанхай университетида малака ошириш имкониятига эга бўлди.

● Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали магистранти А.Болтанязов «Келажак овози» танловининг якуний босқичида «Рационализаторлик таклифи» йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллади.

● Германиянинг LOGO e.V. «Қишлоқ-хўжалиги ва Европа билан экологик тенг ҳажмлик» ташкилоти томонидан 2010 йили ўтказилган танловда Нукус филиали зоотехния факультети талабалари Ж.Абдуллаева ҳамда Д.Ҳакимниязов ғолиб бўлиб, жорий йилнинг апрель ойида Германияда амалиёт ўташ ва магистратурада ўқиш учун юборилди.

● ТАТУ Нукус филиалида «Ёшларни ишга жойлаштиришга қўмаклашиш маркази» ташкил этилди.

● «BestSoft — 2010» Ахборот коммуникацион соҳаси тўғрисида ТАТУ Нукус филиали ассистент ўқитувчиси Э.Бабажановнинг иккита лойиҳаси — «Электрон ресурслар кутубхонасини бошқаришнинг амалий тизими Ellbrary.uz» ва «ОЎЮлари талабаларининг билимини баҳолаш учун ТЕСТ дастури», 2-курс талабаси А.Қадировнинг «KK Dictionary Ўзбекча-қорақалпоқча-русча электрон лугати» кўргазмада муваффақиятли намоийш этилиб, республика миқёсида фойдаланиш учун патент олди.

● Ёш олимлар фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техник лойиҳалар танловида ТАТУ Нукус филиалида фаолият юритаётган 3 нафар ёш олимнинг лойиҳалари ғолиб топилди.

Болалар спорти

настикаси бўйича қорақалпоғистонлик ёшлар умумжамоа ҳисобида III ўринни эгаллашга муяссар бўлди.

● Бухоро вилоятида махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган «Special Olympics» Ўзбекистон миллий паралимпия ўйинларида Халқаро жамоалар таркибида Хўжайли туманидаги Республика 3-сонли мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчиси К.Бегжанов спортнинг бадминтон тури бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллади ва олтин медал соҳиби бўлди.



2010

Республикадаги жами мактаблар сони — 754та.
Шундан:
янги қурилганлари — 36та;
капитал реконструкция қилинганлари — 252та;
капитал таъмирланганлари — 216та;
жорий таъмирланганлари — 148та.

Мактабларнинг моддий-техник базаси:
дарсликлар таъминоти — 98,8 фоиз;
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 70,6 фоиз;
компьютер технологиялари билан таъминланганлиги — 49,7 фоиз;
мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 89,4 фоиз.

Республикадаги болалар спорти объектлари:
спорт залига эга мактаблар сони — 540та;
болалар спорти объектлари сони — 6та;
болалар спорти объектларининг спорт жиҳозлари ва усқуналари билан таъминланганлиги — 80 фоиз;
ёшларнинг оммавий спорт тадбирларига қамраб олинганлиги — 26,3 фоиз.

Республикадаги мусиқа ва санъат мактаблари сони — 21та.
Шундан:
замонавий типдаги — 3та;
мослаштирилганлари — 18та;
(2010—2014 йиллар давомида мавжуд мактаблар бинолари янги қурилиш ҳамда капитал реконструкциялаш натижасида янгиланади).

Республикадаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари) сони — 100та.
Шундан:
замонавий типдаги — 97та;
мослаштирилганлари — 3та.
Академик лицейлар сони — 9та.
Касб-хунар коллежлари сони — 91та.

Ўрта махсус, касб хунар таълим муассасалари моддий-техник базаси:
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 88 фоиз;
компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 73 фоиз;
мавжуд техника воситалари сони — 457та.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:
педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 8166 нафар.
Шундан:
фан доктори — 2 нафар;
фан номзодлари — 37 нафар;
олий маълумотли ўқитувчилар — 7767 нафар.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — 118та.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — 28448 нафар.

Республикадаги олий таълим муассасалари сони — 6та.
Шундан:
университет — 1та;
институт — 1та;
филиаллар — 4та.
ОЎЮларининг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 79 фоиз.
Компьютер билан таъминланганлиги — 80 фоиз.

Профессор-ўқитувчилар сони — 1412 нафар.
Шундан:
академиклар — 4 нафар;
профессорлар — 64 нафар;
фан докторлари — 12 нафар;
фан номзодлари — 373 нафар;
аспирантлар — 50 нафар.
Талабалар умумий сони — 16296 нафар.
Мутахассисликлар умумий сони — 87та.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

Навоий шахридаги 23-мактабгача таълим муассасасида ҳам болажонлар ёзги соғломлаштириш жараёнига жалб қилинган.

Ушбу МТМда айна пайтда 298 нафар бола ўзбек ва рус гуруҳларига қамраб олинган. Бу ерда фаолият юритаётган 32 нафар педагог ходимнинг 12 нафари олий маълумотли.

гуруҳи тарбиячиси Улжан Кудратова тан олинди.

МТМда йиллик иш режаси асосида машғулотлар олиб бориш билан бир қаторда маънавий-маърифий тадбирлар ҳам тез-тез ўтказилиб турилади. Жумладан, "Ватаним — фахрим", "Азиз устозлар", "Она тилим — жону дилим", "Меҳржон-ҳосилжон" каби бай-

сида машғулотлар жадвали тузилган бўлиб, унинг ижроси доимий равишда назорат қилиб борилади. Мудира ҳузурларидаги йиғилишларда педагогик кенгашларда, муҳокама қилинаётган масалалар натижаси кейинги мажлисда яна муҳокама қилинмоқда. Бундан ташқари, ота-оналар билан турли мавзуларда суҳбатлар,

ИШОНЧ — ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ

20 нафар бола билан логопедлар алоҳида машғулот олиб боради.

Муассасада рақс, инглиз тили, немис тили, япон тили, рус тили, бадий гимнастика, саводхонлик тўғрисидаги болаларнинг қизиқишларига мослаб очилган.

МТМ тарбиячилари учун турли ҳафталиклар ташкил қилиниб, уларнинг бажарган ишлари баҳолаб борилади. Масалан, ўқув йилининг "Энг фаол тарбиячиси" деб "Мой-чечак" гуруҳи тарбиячиси Гавҳар Қаюмова ҳамда "Камалак"

рам тадбирлари болажонларнинг жону дили.

Таълим-тарбия ишларини жонлантириш мақсадида МТМда ҳар чоракда тарбиячиларга очик машғулотлар қўйиб борилади. Ҳар бир машғулот таҳлили аниқ баҳолашиб, улар диск ва расмларда сақланади. "Юлдузча", "Каптарча", "Қалдирғоч" гуруҳларининг тарбиячилари ўз вақтида берилган топшириқларни бажаришгани учун касаба уюшмаси қарори билан моддий рағбатлантирилди.

Масканда "Учинчи мингйилликнинг боласи" дастури асо-

анкета сўровномалари ўтказилмоқда. Хусусан, улар ҳомийлигида хоналар ва ўйин майдончалари таъмирлаб берилди.

Богчада ташкил этилган иссиқхонада помидор ва турли ноёб гул кўчатлари етиштирилса, очик майдонларга турли гуллар, помидор, ошқовок, ловия каби сабзавотлар экилган.

Бир сўз билан айтганда, МТМда болажонларнинг ҳар жиҳатдан баркамол вояга етиши учун зарур чора-тадбирлар кўрилиб ота-оналар ишончи қозонилмоқда.

МУХБИРИМИЗ

БЕГУБОРЛИК ДИЁРИ

Богча! Болаликнинг энг беғубор ва шодликка тўла қадрдон маскани. Бу даргоҳдаги кичкинтойларнинг қувноқ ўйин-қулгуларини, жўр бўлиб айтилаётган шеър ва қўшиқлар болалик дамларинингизни ёдга солади.

Мудофаа вазирлиги тасаруфидидаги "Юлдузча" мактабгача таълим муассасасида бўлган киши кўнглида ана шундай ҳислар кечади. Ёз фаслининг ўзига хос хислатини намоён қилувчи "Сув сайли" тадбирида болажонларнинг шодлиги, айниқса, яққол сезилди. Тадбирда болажонлар учун театрлаштирилган томоша, спорт мусобақалари ташкил этилди. Ўзига хос тарзда сахналаштирилган "Зумрад ва Қиммат" кўғирчоқ театри эса болажонлар қалбига олам-олам қувонч улашди. Тарбияланувчиларнинг гоҳ ҳайратга тўла, гоҳ қувноқ нигоҳларини четдан кузатиш, бурро-бурро айтган шеър ва қўшиқларини тинглаш қанчалик мароқли.

Сабоҳат Барноева етакчилик қилаётган ушбу мактабгача таълим муассасаси жамоаси томонидан тадбирга катта тайёргарлик кўрилгани дастур давомида ўз исботини топди.

Машғулот хоналари ва спорт майдончасида замонавий жиҳозлар етарли. Ҳар бир гуруҳда китоблар бурчаги бор. "Маънавийят бурчаги"да юмшоқ ўйинчоқлар, қоғоздан ясалган макетлар, лойдан ясалган чойнак-пиёлалар бўлиб, ўзбекона миллийлик уфуриб туради.

Мактабгача таълим муассасаларида меҳнат қилаётганлар зиммасида катта масъулият бор: болани мактабга ҳар томонлама тайёрлаш. Ушбу муассасада ишга масъулият билан ёндашиш сезилади. Болажонлар фаол, зукко, тиришқоқ. Уларда бу даргоҳга интилиш кучли эканлигини илғаш қийин эмас.

Гулнора ХОЖИМУРОВА



«ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУНИ»ДА

тарбиячию болалар ижод билан машғул бўлишади

Китоб туманидаги 1-сонли мактабгача таълим муассасасини нафақат туманда, балки вилоятда давр талабларига тўлатўқис жавоб бера оладиган муассасалардан бири десак, асло муболаға бўлмайди.

Замон талаблари даражасида жиҳозланган мактабгача таълим муассасасида 5та гуруҳда 115 нафар кичкинтой таълим-тарбия олади. Муассаса маъмурияти ташаббуси билан таълим-тарбия жараёни, машғулотлар янгича кўринишда, ноънанавий усулларда ташкил этилмоқда. Болаларга жисмоний ва маънавий етуқлик даражаларини эгаллашлари учун замин яратилган.

Богчадаги ранг танлаш хонаси, спорт зали, тиббиёт хонаси, шунингдек, барча машғулот хоналарининг шинам ва бежиримлиги ҳавас уйғотади. Энг асосийси эса, муассасадаги деярли барча кўргазмалари қурол, ўйинчоқ ва кийим-кечаклар-

ни тарбиячи ҳамда тарбияланувчиларнинг ўзлари тайёрлашган.

— Богчамизда ҳафтанинг бир куни "Ишлаб чиқариш куни" деб эълон қилинади, — дейди М. Фаниева. — У куни биз богчага, албатта, бирор-бир янгилик киритамиз. Ўйинчоқлар ясаймиз. Ниятимиз битта: у ҳам бўлса, такрорланмас жилланишларни намоён этишдир. Чунки бола дунёси айнан ана шунга талаб этади. Бу эса ўз навбатида болажонлар дунёқарашини, тафаккури янада такомиллашиб боришига замин яратади.

Муассасада йил давомида асосий вазифа қилиб белгиланган йўналишлар— ахлоқий тарбияни ривожлантириш; кичкинтойларда мантиқий тафаккурни ўстириш; жисмоний тарбия орқали эса болани бақувват ва соғлом қилиб тарбиялаш йўлида машғулотларни ноънанавий усуллар билан ўтказишдир.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ
«Ma'rifat» мухбири

Мактабда бизга она тили ва адабиёт фанидан дарс берган ўқитувчимиз Тамара Эрматовга ҳавас қилиб педагогик касбини танлаганман. Муаллимимиз дарсни шундай жозибали ва жонли ўтардики, гўё ҳаммамиз сеҳрланиб қолардик.

Бугун ўқувчиларим даврасида гоҳ қувониб, гоҳ қайғуриб, баъзида уларнинг тўполон ва шовқинларидан чарчаб, толиқиб қолганимда Тамара опани эсламан ва "Ҳа, унга осон бўлмаган экан", — дейман. Синфимда 30 нафар ўқувчи бор. Бу — 30 хил ҳолат, 30 хил феъл-атвор, 30 хил муомала дегани. Бола кўнглига йўл топа олиш муаллим учун муҳим жиҳат саналади. Компьютер, интернет, телевидение тараққий этиши асносида ўқувчиларнинг дунёқарашини, оламни англаши тафаккури ҳам шунга яраша ўзгариб бормоқда. Ҳозирги ўқувчи дадил, тортиниб, уялиб ўтирмайди, ҳақини талаб қила олади. Бу эса ўқитувчидаги масъулият ҳиссини ошириб, уни ҳаёт билан баробар, ҳатто бошқалар-

"ТЎРТ"НИНГ ТАЪСИРИДА

тартиббузар ўқувчи аълочилар сафига қўшилди

дан олдинроқ одимлашга, дунё янгиликларидан мунтазам хабардор бўлиб яшашига ундайди. 2010 йил Президентимиз ташаббуси билан "Баркамол авлод йили" дея эълон қилинди. Авлодни ким баркамол қилиб тарбиялайди? Албатта, бу шарафли вазифа ўқитувчилар зиммасига тушади. Ватан тақдири, она юрт эртаси ёшлар кўлида экан, унинг келажаги порлоқ бўлиши учун бугундан мустаҳкам пойдевор қўйилади. Бизнинг биринчи галдаги вазифамиз соғлом турмуш тарзи тартибларини ўрнатиш, уларнинг ижодий салоҳиятини рўйбга чиқариш, турли иллатлардан асраш, фанга, касб-хунарга меҳр уйғотишдан иборат. Юқорида бе-

жиз бола кўнглига йўл топа олиш муаллим учун муҳим жиҳат саналади, демадим. Синфдаги бир ўқувчи жуда шўх,

Fikr



ҳатто тартиббузар, ҳар бир ўқитувчидан гап эшитиб, туртки еб юради, кўплар уни ошқора ёмон кўради. Бу ҳолатни сезгани учун у ўқишдан совиб кетди, дарсларга қизиқмайди, мактабга бир келса, бир келмайди. Дафтару кундалиги эса қатор-қатор паст баҳолар билан тўла. У руҳан тушкунликка тўшиб юриб, лоқайд, атрофга бефарқ қарайдиган бўлиб қолди. Бундай ҳол давом этиши мумкин эмас. Бир

галги дарсда гарчи юқори баҳога арзимаса ҳам синфдаги бўш ўзлаштирувчи бир ўқувчига "тўрт" баҳо қўйдим. Болалар ажабланиб бир-бирига қарашди. "Ҳа — дедим, — у яхши бола, дарс қилишга ҳаракат қилапти, интилиш ҳам рағбатлантиришга арзийди".

— Устоз, рostdanmi! Алдамайсиизми? — деб қувониб кетган бола югуриб келиб, мени кучоқлаб олди. Кўзларидан ўт чақнаган, қувончини бир кўрсангиз эди! "Тўрт" баҳоли дафтарини байроқ қилиб кўтарганча, уйига югурди. Уйдаги шароит ҳам ўзига яраша. Ўқувчим эртасига бутунлай бошқача ҳолатда — оқ кўйлак, юриш-туриши ҳавас қилгулик, юзида табассум

билан ўртоқлари қаторига қўшилди.


Ваъдага биноан шу куни "аъло" баҳо олди. Рағбат орқали мен уни яхши йўлга буриб олдим... Бу усул биринчи устозим Тамара опа Эрматовадан мерос эди. Устоздан ўрганганларим бугунги фаолиятимда қўл келмоқда.

Яна бир масала шуки, ўқувчи дунёқарашини, онгини шакллантиришда оилавий муҳит, у ўсиб вояга етаётган шароит, бола кўз ўнгиде содир бўлаётган отанинг онага, онанинг болаларга, теварак атрофдагиларга муомаласи муҳим аҳамият касб этиб, боланинг маънавийатида ўзига хос ўрин тутаяди. Қандай ҳолат бўлмасин, бола маънавийати, асосан, оила билан боғлиқ. Оилада ҳар ким ўз ташвиши билан ўралашиб юрaversа, маънавий дунёқараш қашшоқлашиб қолиши аён.

Саодат РАХИМОВА,
Қибрай туманидаги
33-мактабнинг она тили ва
адабиёт фани ўқитувчиси


Болалигимни эсласам, кўплаб ширин хотиралар қатори ҳовлимиздаги шинам супадада бувимнинг эртақларини эшитиб, тим қора само бағрини ёритиб турган сон-саноксиз юлдузларга термулганча ухлаб қолган оқшомлар ёдимга тушади. Баъзида шу чексиз коинот орзуларга лиммо-лим митти қалбимни ўзига ипсиз боғлаб кўярди. Барча болалар сингари мен ҳам юлдузлар орасидан энг ёрқинини излаб, уни «ўзимники» дердим. Шу тарика, ширин хаёллар, эртақнамо тасаввурлар оламидан чиққим келмасди. Улғайгач эса аксарият одамлар сирли коинотга, неча минг йиллардан буён муаллақ «сузиб» юрвчи маълум номаълум сайёра ва юлдузларга катта қизиқиш билан қарашини билдим.

Биламизки, Марказий Осиё халқлари, хусусан, бобокалонларимиз фалакиёт илмида ҳам дунёга машъал тутгани билан жаҳон ҳамжамиятида улкан обрў-эътиборга эга. Жумладан, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи сингари алломаларимиз номини бутун олам илм аҳли яхши билади. Бугун уларга муносиб ворис бўлиб, аждодларимиз бошлаб берган ишни шараф билан давом эттираётган олимларимизнинг ҳам улкан кашфиётлар қилаётгани ҳар бир ватандошимизда фахр ҳиссини уйғотади. Дарҳақиқат, бугунги тадқиқотчиларимиз бизга қолдирилган бой илмий меросга таянган ҳолда замонавий технологиялар ёрдамида коинот сирларини пухта ўрганиб боришмоқда.



САМО ҲАМ ҲАМ КЕЗАР

«САМАРҚАНД»



Қашқадарё вилоятидаги Майданак тоғида барпо этилган Майданак баландтоғ расадхонаси кенг жамоатчиликка кўпдан келиб маълум. Лекин сўнгги кунларда бу ердан тарқалган ажойиб янгилик юртдошларимиз қатори кўплаб дунё аҳли эътиборини яна бир бор ушбу расадхонага қаратди. Аниқроғи, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институтининг Майданак обсерваториясида изланиш ва кузатувлар олиб бораётган илмий ходимлар Баҳодир Ҳафизов ва Алексей Сергеев янги, шу пайтгача фанга номаълум кичик сайёрани кашф этишга муваффақ бўлишди!

Ўзбекистонимиз номини яна бир қарра дунёга танитувчи бу муҳим илмий муваффақият ҳар бир юртдошимиздан фахрланиш баробарида, кашфиёт аҳамиятини теран англашни талаб қилади.

— Мазкур сайёрани илк мартаба 2007 йилнинг куз ойларида пайқагандик. Майданак обсерваториясидаги «АЗТ-22» русумли бош телескоп мониторида турғун юлдузлар фонидан нисбатан тезроқ ҳаракатланаётган бир объектни илғаб қолдик, — дейди Баҳодир Ҳафизов. — Самовий жисмнинг осмон координаталари ва тахминий орбитаси элементларини аниқлаб, маълумотларни зудлик билан АҚШдаги Ҳарвард Халқаро кичик сайёралар марказига юбордик. Тез кунда марказдан ушбу объект ҳеч бир халқаро каталогда қайд этилмагани, унга дастлаб «2007 TU2» рақами берилгани тўғрисидаги хабар келди. Шунга қарамай, мазкур ҳолат самовий жисм ҳақиқатан ҳам янги сайёра эканини тўла асосламасди. Негаки,

илк ҳисоб-китобларга кўра, кичик сайёранинг Қуёш атрофида айланиш даври 4,5 йилни ташкил этиши аниқланганди.

Бу эса унинг орбитасини

тўлиқ ўрганиш учун ҳали узоқ кузатишлар олиб бориш талаб этилишини билдирарди.

Шу тарика сайёра яна икки йил давомида узлуксиз кузатилди, унинг орбитаси элементлари аниқланди. Маълум бўлишича, сайёра бошқа кичик турдагилари каби Марс ва Юпитер оралиғида жойлашган бўлиб, унинг умумий ҳажми тахминан 50-70 метрни ташкил этади. Шундан кейин 2009 йили Ҳарвард Халқаро кичик сайёралар маркази томонидан бу чиндан ҳам шу пайтга қадар фанга номаълум бўлган улкан илмий янгилик экани тасдиқланди ҳамда унга халқаро каталогларда доимий 210271 рақами берилгани маълум қилинди.

ЎЗРФА астрономия институти директори Шухрат Эгамбердиев бу хусусда шундай дейди:

— XX аср охири, XXI аср бошларига келиб, илм-фан яна юксак чўққига чиқа бошлади. Янги замонавий технологиялар ишлаб чиқарилди, улар ёрдамида барча соҳалар қатори астрономия фани ҳам ривож топа бошлади. Ўзбек астрономлари ҳам ривожланган мамлакатлар олимлари қаторида туриб, яна бир фанга номаълум сайёрани кашф этишда муаллифлик қилгани биз учун фахрлидир.

Қувонарли ҳамда фахрланса арзигулик ҳолат шундаки, бунга қадар олимлар томонидан аниқланган кичик сайёралардан бештаси мамлакатимиз номи ва тарихи билан боғлиқ ҳолда аталган. Булар, хусусан, «Ўзбекистония», «Авиценна», «Улуғбек», «Беруний» ва «Хоразмий» номидаги кичик сайёрадир. Эътиборлиси, ушбу самовий жисмлар турли йилларда маҳаллий олимларимиз эмас, аксинча хорижий аст-

рономлар томонидан кашф этилган. Ҳа, чиндан жаҳон фалакиёт илмининг фан сифатида шаклланиши ва ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган халқимиз бундай эътирофга лойиқ. Айни пайтда **210271 рақами** билан қайд этилган янги самовий жисм эса ўзбекистонлик астрономлар томонидан очилган илк кичик сайёра экани ҳам ёруғ истиқболдан дарак беради.

— Биз, ЎЗРФА астрономия институти олимлари кичик сайёра билан боғлиқ катта кашфиётга ном бериш юзасидан республика раҳбариятига мурожаат қилдик, — дея фикрини давом эттирди Шухрат Эгамбердиев. — Хурматли Президентимизнинг бевосита таклифи билан сайёрага жаҳоннинг энг кўхна ва гўзал шаҳарларидан бири, астрономия фанининг «Олтин бешиги» саналмиш Самарқанд шаҳри номи берилди. Бу ҳақда 2010 йил 27 майда чоп этилган Ҳарварддаги Халқаро кичик сайёралар марказининг 70135 сонли циркулярида бутун дунё бўйлаб хабар тарқатилди.

Шу ўринда Ш.Эгамбердиевдан Майданак обсерваторияси ҳақида ҳам тўлиқроқ маълумот беришини сўрадик.

— Қашқадарё вилояти Яккабоғ ва Қамаш туманлари чегарасидаги Майданак тоғининг ғарбий чўққисида, денгиз сатҳидан 2650 метр баландликда жойлашган обсерваториянинг умумий майдони 40 гектарни ташкил этади. Расадхонада ўрнатилган телескоплар кўзуларининг диаметри 1,5 м ва 1 м. га тенгдир. Бундан ташқари, «Зеисс» фирмасининг иккита 60 сантиметрли ва «АФР» астрономик телескоплари ҳам бор. Деярли барча телескоплар компьютерлаштирилган дастурлар асосида ишга туширилади. Шу билан бирга, расадхонада CCD-камераси ҳам мавжуд. Бу қурилма шундай катта куч

билан ишлайдики, унинг ёрдамида астрономларимизнинг иш фаолияти анча энгиллашди. Яъни, қурилма кузатилаётган объектни тўғридан-тўғри компьютерга узатади, тадқиқотчилар эса уни ўрганиб, таҳлил қилиб бориши мумкин. «АЗТ-22» телескопи эса обсерваториянинг энг баланд нуқтасига ўрнатилган. Ҳозирги вақтда унда гравитацион линзалар ва фаол галактикаларнинг ядролари кузатилмоқда. Бу тадқиқотлар Питсбург университети (АҚШ) ва Москва давлат университети олимлари билан ҳамкорликда амалга ошириляпти.

Шу билан бирга, катталиги 1 метрлик телескопда Галактиканинг шимолий қутб ҳудуди ва Қуёшга кўшни ҳудудлардаги тўсилувчи ўзгарувчан юлдузлар назорат қилинмоқда. Кузатишларда Литва Фанлар академияси назарий физика ва астрономия институти ҳамда Вильнюс университети ходимлари ҳам иштирок этмоқда.

Яна бир 60 сантиметрлик телескопда тутилиувчан юлдузлар ва Юпитер йўлдошлари ўрганиляпти. Айни кунда Майданак расадхонасида 1 метрлик «Зеисс» телескопини ишга тушириш ҳам режалаштирилмоқда. Бу эса кузатув имкониятларини кенгайтиришга замин яратарди. Лойиҳани амалга оширишда Украина ва Финляндия олимлари фаол қатнашяпти.

Ўзининг бетакрор жозибаси ва тарихийлиги билан дунёни ҳайрон қолдириб келаётган Самарқанд шаҳри мазкур сайёра очилгунга қадар рўйи замин сайқали деб таърифланган бўлса, эндиликда бу ном самодда ҳам ўз ўрнига эга бўлди. Бу эса Самарқанд шаҳрининг номиёқ ҳар бир юртдошимиз қалбида аввалгидан-да кучлироқ гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотулик қудратга эга бўлганидан далолат беради.

Шу билан бирга, катталиги 1 метрлик телескопда Галактиканинг шимолий қутб ҳудуди ва Қуёшга кўшни ҳудудлардаги тўсилувчи ўзгарувчан юлдузлар назорат қилинмоқда. Кузатишларда Литва Фанлар академияси назарий физика ва астрономия институти ҳамда Вильнюс университети ходимлари ҳам иштирок этмоқда.

Шаҳина ЖҲРАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда мактабгача таълим муассасаларидаги илк ёш гуруҳлари учун ўйинчоқлар ва DVD-плеерлар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги "Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 456-сон қарори талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда мактабгача таълим муассасаларидаги илк ёш гуруҳлари учун ўйинчоқлар ва DVD-плеерларни тендер савдолари ўтказиш орқали харид қилади.

Тендер мактабгача таълим муассасаларидаги илк ёш гуруҳлари учун ўйинчоқлар ва DVD-плеерларни арзон ва сифатли етказиб бериш тажрибасига эга бўлган ҳам хорижий фирмалар ва ташкилотлар, ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (товар етказиб берувчилари) иштирокида очик кўринишда ўтказилади.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлганлар ишлаб чиқарган ёки етказиб берадиган ўйинчоқлари учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика бадий-техник Кенгашидан ўйинчоқларни маънавий-ахлоқий, тарбиявий ва психологик хусусиятларга мослиги тўғрисида хулоса олишлари шарт.

Бунинг учун улар, ёзма равишда ариза билан Кенгашнинг Ишчи органига мурожаат қилади. Иштирокчининг аризасига куйидагилар илова қилинади:

— юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

— болалар ўйинчоғи намунаси (ҳар бир болалар ўйинчоқ турлари учун алоҳида);

— болалар ўйинчоғининг болалар саломатлигига таъсири, яъни ўйинчоқдан ажралиб чиқиши мумкин бўлган зарарли моддаларнинг меъёри (кимёвий кўрсаткичлари) бўйича Республика санитария-эпидемиология нazorати маркази хулосаси;

— болалар ўйинчоғи ва DVD-плеернинг мувофиқлик сертификати;

— болалар ўйинчоғининг техник паспорти ва фойдаланиш бўйича методик кўрсатмасининг асли (агар у мавжуд бўлса);

— болалар ўйинчоғининг 10x15 см. ўлчамдаги икки дона фотосурати;

— икки ёки ундан ортиқ болалар ўйинчоқлари тақдим этилган тақдирда, уларнинг рўйхати.

Республика бадий-техник Кенгаши Ишчи органи икки кун муддатда иштирокчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва материалларни ўрганади. Агар тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар тўлиқ ёки етарли бўлмаса, Кенгаш Ишчи органи асосланган сабабларни кўрсатган ҳолда иштирокчига ёзма равишда унинг аризасини кўриб чиқиш рад этилганлигини маълум қилади.

Иштирокчи Кенгаш Ишчи органи томонидан унинг аризасини кўриб чиқиш рад этилганлигига сабаб бўлган камчиликларни бартараф этиб, такроран ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар тўлиқ ва етарли бўлганда Кенгаш Ишчи органи икки кун муддатда аризани Кенгашга кирилади.

Кенгаш томонидан аризаларни кўриб чиқиш ариза тақдим этилган санадан бошлаб беш кун муддатда амалга оширилади.

Кенгаш иштирокчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича ўйинчоқларнинг маънавий-ахлоқий, тарбиявий ва психологик хусусиятларга мослиги ҳақида хулоса бериши ёки бундай хулоса беришни рад этиши мумкин.

Хулосанинг асл нусхаси уч кундан кечиктирилмасдан Кенгашнинг Ишчи органи томонидан тегишли иштирокчига юборилади.

Хулоса олиш учун тақдим этилган ўйинчоқларнинг намуналари тегишли ҳужжатлари билан бирга Кенгашнинг Ишчи органида сақланади.

Республика бадий-техник Кенгаши Ишчи органи манзили: Тошкент шаҳри 100095.

Собир Раҳимов тумани А.Саидов кўчаси – 6-уй.

Мурожаат учун телефон рақамлари: (8371) 246-98-04, 246-95-50.

Республика бадий-техник Кенгашдан ижобий хулосани олиб, тендерда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар Тендер комиссияси ёки унинг Ишчи органи томонидан малакали танловдан ўтказилади. Бунинг учун талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

— талабгорнинг банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш кўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган маълумотнома;

— талабгорнинг қайта ташкил этиш ёки тугатилиш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи давлат рўйхатга олиш идорасидан маълумотнома;

— талабгорнинг юридик шахс эканлиги ва фаолият кўрсатаётганлиги тўғрисида давлат рўйхатга олиш идоралари томонидан берилган гувоҳноманинг нотариал идоралар томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;

— талабгорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган давлат солиқ инспекцияси маълумотмасининг асл нусхаси (солиштирма далолатнома илова қилинган ҳолда);

— эълон берилган даврда талабгорнинг картотекаси бўйича (К-2) асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамида қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банкнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган маълумотмасининг асл нусхаси;

— Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика бадий-техник кенгашидан ишлаб чиқарган ёки етказиб берадиган ўйинчоқларни маънавий-ахлоқий, тарбиявий ва психологик хусусиятларга мослиги тўғрисида олинган хулосанинг асл нусхаси;

— Тендер комиссиясининг Ишчи органига иштирок этаётган ўйинчоқлар ва DVD-плеерлар намуналаридан учтадан тақдим этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

— хорижий корхоналар учун дунёда танланган аудиторлик компанияси хулосаси тақдим қилиниши лозим.

Куйидаги юридик шахслар тендерда иштирок этиш учун қўйилмайди:

— қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик арафасида турган;

— малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

— илгари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни бажармаган;

— тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;

— «Бюджетчи» билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;

— Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика бадий-техник кенгашидан ишлаб чиқарган ёки етказиб берадиган ўйинчоқларини маънавий-ахлоқий, тарбиявий ва психологик хусусиятларга мослиги тўғрисида хулосаси (ижобий) мавжуд бўлмаганлар;

— Тендер комиссиясининг Ишчи органига иштирок этаётган ўйинчоқлар ва DVD-плеерлар намуналаридан тақдим этмаганлар.

Малакали танловни ўтказиш тендер таклифларини қабул қилишнинг охириг санасидан бошлаб 10 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер комиссиясининг кўрсатмаси асосида Ишчи орган ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, ҳомашё ва материалларнинг захиралари ва бошқаларни шахсан ўрганиш ҳуқуқига эга.

Талабгорлар кўшимча маълумотларни Тендер комиссиясининг Ишчи органидан олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер таклифлари топширишнинг охириг кунига қадар ҳар куни (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 9:00дан 17:00гача куйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

2010 йилда Мактабгача таълим муассасаларидаги илк ёш гуруҳлари учун ўйинчоқлар ва DVD-плеерлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш Тендер комиссияси Ишчи органи.

Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.

4-қават, 424 ва 428-хоналар.

Телефон: (+998 71) 239-17-49, 239-16-62, 239-41-11.

Факс: (+998 71) 239-16-62.

Халқ таълими вазирлигининг куйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 500 000 (беш юз минг) сўм миқдоридида қайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан Тендер ҳужжатлари олинади:

Махсус ҳисоб рақами №:20203000100101044002,

АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали, МФО: 00423, ИНН: 201122808.

Тендер савдоларида харид қилинадиган мебель ва жиҳозларнинг энг юқори (максимал) нархлари:

Т/р	Жиҳозларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Энг юқори (максимал) нархи
1	Кубиклар мажмуи	тўплам	28 098
2	Қолипчали пирамида	дона	40 343
3	Пластмассали ва резинали кўғирчоқлар	тўплам	11 141
4	Сарак-сарак (невалышка)	дона	5 544
5	Катта машина	дона	34 412
6	Кичкина машина	дона	12 633
7	Резинали ёки пластмассали коптоқлар	тўплам	4 263
8	Рангли қолипчалар	тўплам	41 258
9	"Табранувчи тимсоҳ" лабиринти, "Стол устида ўйналадиган" лабиринт, Лабиринт "Каталка"	тўплам	53 002
10	Мантикий кубиклар	дона	60 988
11	Тахтали қолипчалар	дона	33 035
12	Катта ҳажмли табранувчи ўйинчоқ	дона	106 123
13	Болалар кровати ва кўғирчоқ	дона	6 322
14	DVD-плеер	дона	182 391

Тендер таклифи умумий қийматининг 2 фоиз миқдоридида закат билан таклиф кафолатланиши шарт. Закат суммаси ҳар бир пакетлар (маҳсулотлар) учун алоҳида Халқ таълими вазирлигининг юқоридаги махсус рақамига ўтказилиши керак.

Тендер таклифлари Тендер комиссиясининг Ишчи органига 2010 йил 19 сентябрь куни соат 15:00дан кечиктирилмаган ҳолда тақдим қилиниши лозим. Тендер савдолари ташкилотчилари тендер таклифларини ишлаб чиқиш ёки тендер савдосида иштирок этиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз зиммасига олмайдилар.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши Тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.

ОГИР ВАЗИЯТДА ЁРДАМЛАШДИ

«Американ Эйрлайнс» авиакомпанияси стюардессаси тоби қочиб қолган ёрдамчи учувчининг ўрнини эгаллаб, бортида 225 нафар йўловчи ва 7 нафар экипаж аъзоси бўлган самолётни қўндиришга ёрдам берди. Воқеа Сан-Франциско (Калифорния штати)дан Чикаго (Иллинойс штати)га кетаётган ҳаво кемасида содир бўлди. Бу ҳақида «АП» хабар берди.




Компания расмий вакили Тим Вагнернинг маълум қилишича, лайнер учувчиларидан бирида шамоллаш аломатлари сезилган ва у ўзини ёмон ҳис эта бошлаган. Аввалига йўловчиларга мурожаат этилиб, учувчилик рухсатномасига эга киши бор-йўқлиги сўралди. Буни қарангки, маълум бўлишича, стюардессалардан бирида шундай рухсатнома мавжуд экан. Учувчининг ўрнини эгаллаган қиз барча бажарилши лозим бўлган вазифаларни осонлик билан уддалади. Самолёт

О'Хейр халқаро аэропортига ҳеч бир қийинчиликларсиз қўнди. Тоби қочган учувчига маҳаллий шифохонада зарурий тиббий ёрдам кўрсатилди.

ФОТОСУРАТ ТАШХИСИ

Британиялик икки ёшли Эван Боардернинг кўзида саратон ўсимтаси борлиги фотосурат ёрдамида аниқланди, дейилади веб. orange.co.uk сайтида. Бунда суратга олиш пайтида ускунадан таралган ёруғлик саратон белгилари кузатилган кўз хужайраларини аниқлашга хизмат қилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу каби хужайралар кун ёруғлигида сезилмас экан.

Сурат болакай ота-онаси билан Уайт оролида дам олаётган вақтида олинган эди. Кейинчалик Эваннинг бувиси суратда боланинг ўнг кўзидаги оқ сояга эътибор қаратди. Бир йил аввал худди шундай расмини «Саратон ўсимтаси» номли бир мақолада кўрганини эслади ва невараси шифокорга олиб борилди. Тиббий кўриқдан ўтган болага эса ретинобластома — кўз тўрлардаси саратони ташхиси қўйилди. Шифокорларнинг маълум қилишича, бундай касаллик кўп ҳолатларда баъзи нохушликларга олиб келади. Шу сабаб бемор зудликда жарроҳлик йўли билан даволанди.



ГАЙРИОДДИЙ ОЁҚЛАР

Янги Зеландиядаги «Рех Бионисс» компанияси томонидан оғирлиги 38 килограммли «роботлашган оёқлар» яратилди. gadget.com сайтининг хабар беришича, гоа муаллифлари бу қурилма ногиронлар аравачаси ўрнини босишини айтишмоқда.

32 ЙИЛДАН СЎНГ ҚАЙТДИ

Малайзиянинг шимолидаги Тренгану штатида сўнги 32 йил ичида илк маротаба пўсти қалин турдаги тошбақа яна пайдо бўлгани аниқланди. Зоолог олимлар мазкур ҳодисани мўъжиза деб атаб, Тренгану соҳиллари кўп йиллар аввалгидек мазкур судралиб юрвчи ҳайвон кўпаядиган манзиллардан бирига айланишига умид қилмоқда, дейилади «Компьюлента» манбасида.



Пўсти қалин тошбақа (Dermochelys coriacea) бу оилага мансуб судралиб юрвчиларнинг ҳозирги кундаги ягона вакилидир. Умуман, ушбу турдаги тошбақа

ҳажман энг йириги ҳисобланиб, унинг танаси узунлиги 2 метр, оғирлиги — 600 килограммгача этиши мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўзига хос эволюцион йўлни босиб ўтгани сабабли у бошқа тошбақалардан анча фарқ қилади. Тошбақа косаси (зирҳи) тана скелети билан бирлашмай, бир-бирига бириккан кичик суяклардан ташкил топган ва қалин тери билан қопланган.

Сўнги кунларда топилган пўсти қалин тошбақа Рангау-Абанг соҳилида аниқлангани боис айнан шу ном билан аталди. Судралиб юрвчи 500 килограмм тош босиб, танаси узунлиги 1,5 метрга тенг. Олимлар унинг танасига йўлдошли кузатув мосламасини ўрнатиб, очик денгизга қўйиб юборишган. Шу йўл билан улар ускуна ёрдамида ҳайвоннинг сувда ҳаракатланиш йўллари аниқлашни мақсад қилган. Тахминларга кўра, улкан тошбақа Вьетнам ва Японияга йўл олиб, сўнг Тинч океани бағрига қайтади.

Маълумот ўрнида айтиш зарурки, Тренгану пўсти қалин тошбақалар тухум қўядиган ягона ҳудуд ҳисобланади. Кўп йиллар олдин судралиб юрвчилар ҳар йили май-сентябрь ойлари оралиғида соҳилга чиқиб, тухум қўяр эди. Ўтган асрнинг 50-йилларида ушбу турдаги урғочи тошбақаларнинг 10 мингтага яқини соҳилга чиқishi кузатилганди. Лекин 1984 йили уларнинг сони 800тага камайиб, 2006 йили эса олимлар атиги икки дона тошбақа инини топишга муваффақ бўлишган.




Ушбу тадқиқот устида олимлар 7 йил давомида изланиш олиб боришди. Айтиш жоизки, ушбу «оёқ»лардан фойдаланувчининг тана вазни 100 килограммдан ошмаслиги керак. Ускунанинг ҳар бир истеъмолчига индивидуал тайёрланиши барча қисмлар кўзда тутилган. У келаси йили сотувга чиқарилиши режалаштирилмоқда.



СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИ

Тиббиёт ходимлари ёзнинг иссиқ кунларида биноларни кондиционер ёрдамида ҳаддан ортиқ совитиб юбориш инсон соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкинлигидан хавотирда. Мавзуга бағишланган мақола «Инованьюс» электрон манбасида эълон қилинди.



Мутахассисларнинг фикрича, совитиш ускунаси ўрнатилган хона ва кўчадаги ҳаво ҳарорати ўртасидаги фарқ 10 даражадан ошмаслиги зарур. Боиси, совуқ хонадан кўчага чиққан одам Қуёш нурлари остида маълум муддатдан сўнг иссиқлик «зарба»си таъсирига тушиши мумкин. Бунга ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши сабаб бўлади.

Маълумки баъзи тоифа одамлар иссиқ ҳароратга нисбатан таъсирчан бўлади. Шу боис, об-ҳаводаги бундай ўзгариш айниқса, сурункали касалликларга чалинган кишиларга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА СОАТ

Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги «Абраж Ал Баит» биносига дунёдаги энг улкан соат ўрнатилди. У ислом динида муқаддас саналган Рамазон ойининг бошланиши билан ишга туширилди. Бу ҳақида gazeta.ru маълум қилди.

Соатнинг диаметри 43 метрни ташкил этиб, у 400 метр баландликка ўрнатилган. Юзасига эса икки миллионга яқин чироқлар ва тўқсон миллиондан ортиқ рангли терма нақшинкор безаклар жойлаштирилган. Ўзига хос мазкур соат учун 800 миллион доллар маблағ сарфланган. Эътиборлиси, улкан соатни шаҳарнинг ҳар бир бурчагидан 30 километр узоқликдаги масофадан ҳам томоша қилиш мумкин.



Н.ФАЙЗИЕВА, М.РИЗАЕВА, Д.МИРЗАЁҚУБОВА, Ш.ШОЕВА ва Ч.БАХРИЕВА тайёрладилар.

ТОПИЛМА ҚАРАШЛАРНИ ЎЗГАРТИРАДИМИ?

Австралияда топилган геологик ҳосилалар Ер юзидagi дастлабки энг содда кўпхужайрали ҳайвонлардан бири денгиз булутларининг тош қотган намуналари экани эҳтимолдан холи эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, улар 650 миллион йил олдинги даврга тегишли бўлиб, ҳозирга қадар маълум бўлган энг қадимий ҳайвонлар қолдиқларидан ҳам 100 миллион йилга «кексароқ». Мавзуга бағишланган мақола «Нейчэ Геосайнс» журналида чоп этилди.

Маълум қилинишича, геологик намуналар илмий манбаларда баён этилган сайёрамиздаги глобал музлик давридан ҳам олдин кўпхужайрали организмлар бўлганига далил ҳисобланмоқда. Уша даврда Ер юзасининг даярли бутун қисми қалин муз қатлами билан қопланган бўлиб, бу тахминан 635 йил аввал содир бўлган. Агар гайриоддий қолдиқлар денгиз булутлари экани тўғрисидаги тахмин амалда тўлиқ ўз исботини топса, у ҳолда мутахассисларга ҳайвонот дунёси эволюциясининг барча босқичларини қайта кўриб чиқишга тўғри келади.

— Ер юзида глобал музлик давридан ҳам аввалги вақтда умргузаронлик қилган ҳайвонлар қолдиқларини топиш мумкинлигини ҳеч ким кутмаганди, — деди тадқиқотчилардан бири Адам Малуф. — Эътиборлиси, ҳозирги илмий назарияларда кўпхужайрали ҳайвонлар сайёрамизда бир марта пайдо бўлганидан сўнг шу вақтга қадар яшаб келади, деган қараш мавжуд. Агар мазкур фикрнинг тўғри, деб қабул қиладиган бўлсак, у ҳолда бу турдаги жонзот-

лар қай тариқа ўта совуқ даврни бошидан кечирганига ҳам изоҳ топиш талаб этилади.

Айтиш керакки, олимлар топилмага тасодифан дуч келган, чунки улар музлик давридан олдин сайёрамизда бўлган тоғ жинсларини ўрганиш мақсадида илмий экспедицияга чиққан эди. Бунинг учун Адам Малуф раҳбарлигидаги халқаро геологлар гуруҳи кенг микёсида тадқиқот олиб бориш имкони бўлган Австралия жанубидаги қояларга борган.

Экспедициянинг бошиданок олимлар жуда кўп миқдордаги тош қотган ҳосилаларга дуч келишган. Даставвалга топилмаларнинг катта қисми тирик табиатга хос бўлмаган шаклда экани сабабли мутахассислар эътиборини тортмаган. Аммо кейинчалик геологик ҳосилалар чиндан ҳам бир-бирига бириккан микроскопик материя бўлаклари эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида, уларни ўрганиш фикри илгари сурилди. Жараёнда ушбу улкан ҳажмдаги топилмалар сайёрамиздаги илк йирик кўпхужайралари ҳайвонлар экани тўғрисидаги тахмин ўртага ташланди. Изланиш пайтида тоғ жинсларининг бир нечасидан фойдаланилди. Олимлар уларнинг юза қисмини маълум катталиқда қатлам-қатлам қилиб олиб, ҳар бири суратга туширган. Кейинчалик расмлар асосида ва компьютер технологиялари ёрдамида топилмалар тузилиши тикланди. Яқунда топилмалар шаклан ҳозирги денгиз булутларига жуда ҳам ўхшашлиги аниқланди.

Айни пайтда баъзи мутахассисларнинг фикрича, бу ҳосилалар Ер юзидagi энг қадимги кўпхужайрали ҳайвонлар қолдиқлари, деб қатъий гапиришга ҳозирча эрта. Шу боис, илмий тахминни тўлиқроқ асослаш мақсадида келгусида яна қатор изланишлар олиб бориш, ҳосилалар таркибини батафсил ўрганиб, уларнинг биологик молекулаларини ҳам аниқлаш режалаштирилди. Бунда тадқиқотчилар дунёнинг етакчи геологлари ёрдамига ҳам таянишга умид боғлашмоқда.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирликнинг Муסיқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси бошлиғи Илҳом Турсунбоевга онаси

Мунаввара РАХИМОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати, жамоат ташкилотлари, «Ўзбек тилшунослиғи» кафедраси профессори, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Мазлума АСҚАРОВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

So'z ko'rki

NEGA SHUNDAY DEYMIZ?

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda.)

SH

Sholining orqasidan kurmak ham suv ichibdi. Muqobili: "Bug'doyning bahonasida qoramug' ham suv ichibdi". Bu maqollarni bir odam ikkinchi odam tufayli, uning bahonasida bir nimali bo'lib qolsa, yaxshi odam sabab yomon odam ham manfaat ko'rsa, yo jiddiy, yo hazil-mutoyiba tarzida qo'llaydilar. Ijobiy ma'noda otaning hurmatiga bolalar, butun oila manfaat ko'rsa, salbiy ma'noda esa, bir yaxshi odamni deb bir yoki bir necha arzimas odam gunohidan o'tilsa, qoniqish yo afsus bilan aytiladi.

E

Egilgan boshni qilich kesmas. Gap qilichda emas, balki uning egasida. Agar gunohkor o'z aybini bo'yniga olib, vaqtida tavba-tazarru qilsa, to'g'ri yo'lga kirsas, uning gunohidan kechiladi. Agar takabburlik bilan mening bilganim ham, qilganim ham to'g'ri, deya qaysarlik qilsa, jazosini olib, jabrini tortadi, deyilmoqchi. Qilichning o'ziga qolsa, uning aqli bormi, boshning tik yo egilganiga qararmidi, demoqchi bo'ladi.

Maqol kamtarlik, xokisorlikka chaqirib, insonparvarlikni ulug'lashga qaratilgan.

El og'ziga elak tutib bo'lmas. Muqobillari: "El og'zini yig'ib, chelak og'zini bo'g'ib bo'lmas"; "El og'zini yopmoqqa ellik qarich bo'z kerak"; "Ko'p og'ziga qalqon tutib bo'lmas"; "Birovning og'ziga tugma qadab bo'lmaydi". Maqollar birov haqida paydo bo'lgan gap, mish-mishning oldini olib bo'lmaydi, chunki u tarqab ketadi degan fikrni ifodalaydi. Elak tutmoqchi bo'lsangiz ham buncha elakni qayerdan olasiz? Topib, tutdingiz ham, deylik, og'izdan chiqqan gapni elak tutib qololmaydi-ku! Har qancha urinmang, vallomatlik qilmang, buning ilojini topolmaysiz, degan ma'no yashiringan mazkur maqolda.

Eshagidan tushovi qimmat. Muqobillari: "Eshagidan to'qimi qimmat"; "Tuyasidan qo'ng'irog'i qimmat"; "Boshog'idan somoni qimmat". Biron narsaning o'zidan ham biror abzali, qismi, anjomi, ijarasi qimmat bo'lsa, mazkur maqollarni qo'llaydilar. «Eshagidan tushovi qimmat» maqolida kinoya, nohaqlikka norozilik hislari mujassam.

Yu

Yugurganniki emas, buyurganniki. Muqobillari: "Buyurgan olur, yugurgan qolur"; "Xasip qilganniki emas, nasib qilganniki"; "Nasib qilsa kelur Shomu Iroqdin, nasib qilmasa, ketur qoshu qoboqdin"; "Beraman degan quliga, chiqarib qo'yar yo'lga"; "Buyurgan oshga tish tegar, yoz tegmasa qish tegar"; "Qutluqqa qo'sha yog'ar"; "Berganga besh qo'llab beradi, bermaganni qo'shqo'llab uradi"; "Berganga qo'sha-qo'sha, bermaganga o'sha-o'sha".

Taqdir, peshona, omad bilan bog'liq maqol. Odatda bir ish, buyum, narsa yoki ma'shuqaga yugurgan qolib, besh-begona, aloqasi bo'lmagan(buyurgan) ega chiqib qoladi. Shunday hollarda ushbu maqol taskin, tasalli, yupanch, iqrор sifatida keltiriladi.

Mahmud SATTOR

(Davomi bor.)

Айни кунларда дехқонларимиз кузги картошка парваришига киришдилар. Бироқ бу жараёнда амал қилиш лозим бўлган айрим ҳолатлар борки, у картошкadan юқори ҳосил олиш манбаи ҳисобланади. Ана шуларни назарда тутиб, баъзи илмий мулоҳазаларни ўртага ташлашни лозим топдик. Бу ҳар йили картошка етиштириш жараёнида долзарб мавзуга айланадиган колорадо кўнғизига қарши курашиш масаласидир.

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий таълим муассасалари ҳамда касб-хунар коллежларида ушбу мавзу муҳокама этилса ва тажриба-синов хўжаликлари майдонларида амалиётда қўллаб кўрилса, фойдадан холи бўлмайди.

ЗАРАРКУНАНДАГА ҚАРШИ ЗАРАРСИЗ КУРАШ

Колорадо кўнғизи фило-генетик ёш Leptinotarsa авлодига мансуб 48 турнинг бири бўлиб, картошка экинларининг энг хавfli зараркунандаги ҳисобланади. Бундан 140 йил муқаддам Шимолий Америкадан бошланган бу зараркунанданинг хавфи бугунги кунда ҳам ўз кучини кўрсатмоқда.

Бу зараркунанда экологик чидамли бўлганлиги сабабли ҳам турли иқлим шароитларига тез мослашиб кетмоқда. Картошкadan ташқари у бақлажон, помидор, қалампир каби ўсимликларнинг ҳам кушандасидир.

Унинг зарар келтириш даражаси турли омилларга боғлиқ. Бу ҳашоратнинг бир дона личинкаси ҳаёти давомида 35-40 см² барг ёки 730-780 мг. кўк массани еб битиради. Зарар келтириш даражасини белгилловчи асосий омиллар — зараркунанда сони, экинга тушган вақт, зарарланган ўсимликлар миқдори, экиннинг зараркунандага чидамлилиги, ўсимлик нави, метеорологик шароит ва бошқалардир.

Колорадо кўнғизига қарши кўплаб турдаги кимёвий ва биологик препаратлар тавсия қилинган. Лекин кейинги вақтларда унинг пиретроидларга чидамлилиги ошири бориши жуда муҳим муаммоларнинг бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам 2000—2005 йиллар давомида биз колорадо кўнғизига қарши юқори самара берувчи, танлаб таъсир этиш хусусиятига эга бўлган бир неча турдаги препаратларни дала шароитида қўллаб, уларнинг атроф-муҳитга ва табиий эн-

томофаунага кам таъсир қилувчи энг кам сарф миқдорини аниқладик.

Тажрибаларда "Регент" препарати қўлланилган майдонларга дори сепилгандан кейин кўнғизларнинг далада пайдо бўлиши бошқа препаратлар қўлланилган майдонларга нисбатан узокроқ давом этди. Бу препарат колорадо кўнғизи личинкаларига қарши қўлланилганда биологик самарадорлиги (дори сепилгандан кейин учинчи кунга келиб) 98,6 фоизни ташкил қилди. Бошқа препаратлар қўлланилган вариантларда эса, самарадорлик 90-95 фоиз атрофида бўлиши кузатилди. 7-ҳисоб кунда барча вариантларда биологик самарадорлик 93-97 фоиздан юқори бўлиши кузатилди. Бу препаратларни колорадо кўнғизининг етук зотиға қарши қўллаганимизда ҳам кутилган натижа олинди.

"Регент" дориси қўлланилган вариантда биринчи ва иккинчи кунлардаёқ зараркунандаларнинг тўлиқ нобуд бўлганлиги кузатилди. Кейинги ҳисоб кунларида эса четдан учиб келган кўнғизлар учраса-да, уларнинг ҳам нобуд бўлиши кузатилди. Бу вариантда 3-14 ҳисоб кунлари давомида биологик самарадорлик 95-98 фоиздан юқори бўлиши тажрибаларимиз давомида тасдиқланди. Қолган барча тажриба вариантларида препаратларнинг биологик самарадорлиги биринчи вариантга нисбатан пастроқ бўлса-да, 3-7 — ҳисоб кунларида кутилган 90 фоиздан юқори самарадорликни берди.

Tadqiqot



Бир препарат кетма-кет икки-уч марта қўлланилган майдонларда ("Кинмас" ва "Ларсан") охириги ишлов берилгандан кейин дори таъсирида зараркунанданинг нобуд бўлиши (самарадорлик) пасайиши кузатилди. Дориларни алмашлаб қўлланилган вариантларда эса ("Регент" ва "Фастак") кар-

тошка экинларининг зараркунандалар билан камроқ зарарланиши, олинандиган ҳосил миқдорининг кўпроқ бўлиши ва кутилган биологик самарадорликни бериши аниқланди.

Тажрибаларимиз натижаларидан ва бошқа кўпчилик муаллифларнинг келтирган маълумотларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, колорадо кўнғизи популяциясининг пиретроидларга чидамлилиги жуда юқори. Шунинг учун ҳам бу зараркунандага қарши курашда дехқонларимиз қўйидаги омилларга риоя қилиши лозим:

— колорадо кўнғизига чидамли картошка навларини танлаб олиш;

— картошкани алмашлаб экиш;

— картошка экилган майдонларда агротехник чоратadbирларни тўғри ташкил қилиш;

— пиретроидларни зараркунандага қарши бир мартадан ортиқ қўлламаслик;

— мавсум давомида тавсия қилинган препаратларни алмашлаб ишлатиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ишларни тўғри ташкил қилган ҳолда колорадо кўнғизига қарши кураш илмий асосланган услубларда олиб борилса, бу зараркунандалар келтирадиган зарарнинг олдини олиш мумкин.

Маҳмуджон ТОИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ўсимликларни
химоя қилиш илмий
тадқиқот институти
лаборатория мудири,
биология фанлари номзоди

ИНСОНЛАР ҲАЁТИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Ёз фасли гўзал фаслардан бири. Бу фаслда инсонлар ана шу гўзал табиат қўйнида ҳордиқ чиқарадилар, унинг гўзаллигига гўзаллик кўшадилар. Афсуски, айрим юртдошларимиз ушбу гўзалликни бузиб, яшил рангга бурканган дарахтлар шоҳларини синдиarmoқдалар. Шоҳ-шаббаларини эса қуригандан кейин ёқиб юборишга йўл қўймоқдалар. Бу ҳолат туманимиз кўчаларида ҳам юз бермоқда. Ўзингизга маълум олов тилсиз ёв дейилган. Ёндирилган шоҳ-шабба ёки қуриган ўтларнинг учқунлари шамол оқибатида юқорига кўтарилиб уйларнинг томига тушиб, ёнғин содир бўлиши мумкинлигини, ёш болалар кўчада ўйнаб юрган вақтда, албатта, шу ёнғин жойига бориб, ўйинқароқлик қилиб, тан жароҳати олиши ҳақида озгина бўлса ҳам ўйлаб кўрмаймиз.

Миробод тумани Янги Қўйлик кўчаси 14-уйнинг оддида кўп миқдорда йиғилиб қолган ўт, шох-шабба ва чиқиндилар ёниб кетган. Ёнғин сигарета чекиш вақтида эҳтиётсизлик оқибатида келиб чиққан. Ёнғиннинг захарли тутуни натижасида теварак-атрофда истиқомат қилувчи фуқароларнинг соғлиғига зиён етган. Бу каби ҳолатларнинг олдини олишда маҳаллалар билан ҳамкорлик ишлари олиб боришмоқда. Ўзимиз яшаб турган маконнинг теварак атрофида йиғилиб қолган чиқиндиларни, қуриган ўтлар ва шох-шаббаларни вақтида олиб чиқиб кетилишини таъминласак атроф муҳитга, табиатга, қолаверса инсонларнинг соғлиғига зарар етиши ҳолатларининг олди олинган бўлар эди.

Х.УМАРОВ,
Миробод ТИИБ ЁХБ инспектори сержант

КУМУШ ВА БРОНЗА БОР, НАВБАТ — ОЛТИНГА

Сингапурда бўлиб ўтаётган биринчи ёшлар олимпиада ўйинларида ҳар куни бирор спорт тури бўйича юртдошларимиз иштироки кузатилапти. Ватандошларимиз дунёнинг икки юздан зиёд мамлакатларидан келган тенгдошлари билан тенгма-тенг баҳсга киришяпти, курашяпти ва ўз иқтидорини намойиш қиляпти.

Yoshlar olimpiadasi

олти нафари мусобақаларга киришиши ҳақидаги маълумотга эгамиз. Хусусан, боксчимиз Зоҳиджон Хурбоев 48 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилиши кутиляпти. 55 килограммдаги дзюдочилар баҳсида Мансур Мўминхўжаев гиламга тушса, енгил атлетимиз Настя Бойкова уч ҳатлаб сакраш мусобақасида омадини синондан ўтказди. Эслатиб ўтамиз, Настя ўтган кунлар мобайнида ҳам бир қатор мусобақаларда қатнашди, бироқ кучли учликни забт этишнинг уйдасидан чиқолмапти, балки бу сафар мақсадига эришар...

Стал тенниси бўйича эса Элмурод Холиқов, спорт гимнастикаси борасида Эдуард Шаулов ҳамда Дилноза Абдусалимова юртимиз шаънини ҳимоя қилади.

Мухлислар Сингапурга йўл олган умидли спортчи ёшларимиздан чиройли ўйинлар билан бирга, албатта, олтин медални кутишяпти. Аммо ҳозиргача умумжамоа ҳисобидан 1та кумуш ва 3та бронза медал жамғарилди. Ушбу медалларнинг барчасини курашчиларимиз қўлга киритгани таҳсинга sazovordir. Бу диёри- мизда юнон-рум кураши, эркин ва аёллар кураши анча тараққий этганини билдиради.

Ҳозирча жамғармамизга энг сўнгги бронза медални эркин ку-

раш бўйича 76 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Диёрбек Эргашев кўшиб кўйишга муваффақ бўлди. У гуруҳ баҳсларида беларуслик Александр Хуштон ва канадалик Вебб Далтонни енгди ҳамда учинчи беллашувда ютқазиб, олтин медал учун жангларни давом эттириш имкониятини бой берди. Шундай бўлса-да, учинчи ўрин учун кечган курашда мисрлик рақиб Али Амирни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, иродасини кўрсатди.

Бугун ҳам вакилларимиздан



МУДДАТИДАН ОЛДИН «ХАЙРПАШДИ»

Белгиялик иқтидорли теннисчи Жюстин Энен тирсагидан олган жароҳати туфайли 2010 йилги мавсумни муддатидан аввал тугатишга мажбур бўлди, деб ёзди «Ассошиэйтед Пресс».

Жаҳоннинг собиқ биринчи ракетчаси «Уимблдон» турнирида Ким Клейстерсга қарши кечган матчда жиддий жароҳат олганди.

— Мен бир неча шифокорлар кўригидан ўтдим, уларнинг барчаси вақтинчалик танаффус қилишимни таъкидлашди. Бироқ бу жуда узоқ муддатни ташкил этади ва бунинг учун мендан сабр талаб қилинади, — деди теннисчи.

Энен янги мавсумда ўз соғлигини тўлиқ тиклаб, яна катта теннис оламига қайтишни истаяпти. Жюстин иштирок этишни мўлжаллаётган 2011 йилнинг биринчи турнири Хопман Кубоги саналади ва у 1 январда старт олади.



ДАВВОГАР — БРИГГС

WBC таснифидаги супер оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони Виталий Кличко америкалик боксчи Шеннон Бриггсга қарши рингга чиқади. Жанг 16 октябрь куни Гамбург шаҳрида ўтказилади, деб хабар тарқатилди украинлик боксчининг расмий сайтида.



Бир неча йил олдин боксчилик фаолияти яқунланганини маълум қилган 38 ёшли Бриггс яна катта рингга қайтди. У жорий йилда бир қанча номдор рақиблари устидан галаба қозонди. Нихоят, у Кличко эгаллаб турган WBC таснифидаги чемпионлик камарига даввогар сифатида Германияга йўл оладиган бўлди.

— 14 йил аввал профессионал фаолиятим бошланган Гамбург шаҳрида яна рингга чиқаётганимдан беҳад хурсандман. Бриггс — жиддий даввогарлардан бири, у фаолияти давомида мендан кўра кўпроқ жанг ўтказган. Тайёргарликни кучайтиришимиз шарт. Бу борада менга мураббий Фриц Здунек ёрдам берапти, — деди катта Кличко.

Бриггс 61та жанг ўтказиб, 55тасини галаба билан яқунлаган. 39 ёшли Кличко эса 42 жангдан 40тасида ўз устунлигини намойиш этган.

«ИНТЕРНАСЬОНАЛ» ЯНА ЧЕМПИОН

Бразилиянинг «Интернасьонал» футбол клуби Мексиканинг «Гвадалахара» жамоасига қарши жавоб учрашувида галаба қозониб, ўз тарихида иккинчи маротаба «Либертадорес» Кубоги совриндори бўлди, деб хабар берди «Рейтер».

Мексикада ўтказилган биринчи матч ҳам 2:1 ҳисоби билан «Интернасьонал» клуби фойдасига ҳал бўлганди. 19 августда Бразилияда ўтган учрашувда яна мезбонларга омад кулиб боқди, якуний натижа — 3:2.

Шу зайл «Интернасьонал» ўз тарихида иккинчи маротаба «Либертадорес» бош соврини соҳибига айланди. Кубок учун кечган аввалги баҳс 2006 йили фақат Жанубий Америкадаги футбол клублари ўртасида ўтказилганди.

«ҚИРОПЛИК»НИНГ ЯНГИ АЪЗОСИ

Европада футбол бўйича навбатдаги трансфер «бозори» ёпилиши арафасида Германия терма жамоаси ва «Вердер» клуби ярим ҳимоячиси Масьуд Ўзил ниҳоят Испаниянинг «Реал»ига ўтди, деган хабар тарқатилди.

Эндигина 21 ёшга тўлган Ўзил жорий йилда ЖАРда ўтган мундиалда ажойиб ўйин кўрсатди ва Европанинг кўплаб гранд жамоалари эътиборини қозонди. Масьуднинг отаси Мустафо Ўзил журналистларга берган интервьюсида ўғли ҳақиқатан ҳам Мадрид жамоасига ўтганини тасдиқлади.

Испан ОАВи берган маълумотларга кўра, трансфер баҳоси 15 миллион евро деб белгиланган Масьуд «бланкос»лар билан 6 йиллик шартнома имзолади.

Айтиш керакки, жаҳон чемпионати кашфиёти учун «Барселона», «МЮ» ва «Челси» каби клублар ҳам «оғиз солганди», бироқ Масьуд «қироллик клуби»ни танлади.



Шаҳина ЖҲРАЕВА тайёрлади.

“ҚАЛДИРҒОЧЛАР”НИНГ ГАЛДАГИ ПАРВОЗИ

Куни кеча «Пахтакор» марказий стадионида футбол бўйича Ўзбекистон кубоги учун финал учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбек футбол илхосмандлари кейинги вақтларда бош совринлар учун асосан мамлакатимизнинг икки номдор жамоаси «Пахтакор» ва «Бунёдор» кураш олиб боришига кўникиб қолишганди.

Бироқ мавсумнинг чинакам кашфиётига айланиб улгурган «Шўртан» клуби мазкур анъанага нуқта қўйиб, айнан «Пахтакор» ҳамда «Локомотив» жамоаларини бирин-кетин доғда қолдиргани ва финалга йўлланма олгани ўзига хос янгилик бўлди.

Айтиш жоизки, юртимизнинг амалдаги чемпиони «Бунёдор» финалда олти нафар асосий ўйинчиларисиз майдонга тушишга мажбур бўлганини яхши биласиз. Бош мураббий Миржалол Қосимовнинг оз муддат ичида вазиятни тўғри баҳолаб, таркибни шакллантиришга муваффақ бўлгани ҳал қилувчи учрашувда намоян бўлди. Ваҳоланки, финал олдидан кўплаб иш-

қибозлар «Шўртан» клуби футболчиларидан навбатдаги «шов-шув»ни кутишаётганди.

Фузорнинг «Шўртан» клуби муваффақиятларига ўзининг катта ҳиссасини қўшган тажрибали футболчи Зайниддин Тоҳиев ҳам мавсум оралигида клуб билан хайрлашганди. Унинг ўрни финал учрашувида яққол сезилди. Буни клуб раҳбарияти ҳам, мухлислар ҳам ҳис қилган бўлиши аниқ. Чунки А.Исмоилов, С.Жўраев сингари ҳимоячилар тиклаган мудофаа деворини ёриб ўтиши умид қилинган И.Таран кутилган натижани бермади.

Шунга қарамай, жамоалар улкан иштиёқ ва шиддат билан ҳаракатланишди. Фузорликлар

O'zbekiston kubogi

омадли юришларини охиригача етказиб қўйиб, бирийўла мамлакат кубогини боши узра баланд кўтаришга интилган бўлса, пойтахтликлар яна бир галабани қўлга киритишга уринди.

Ушбу кўп қиррали баҳсда ким кучлироқ эканини аниқлашда ФИФА тоифасидаги ҳакам, Осиёнинг биринчи рақамли рефериси Равшан Эрматов бошчилигидаги бригада яқиндан кўмаклашди.

Ҳакам биринчи бўлим тугаганини билдирувчи ҳуштагини чалганида таблода 0:0 ҳисоби порлаб турарди. Бу ўз-ўзидан иккала томоннинг имконияти бир хил, иккинчи тайм янада муро- сасиз ўтади, дегани эди. Боиси, масъулиятли матчи ўтказайтган иккала томон ҳам дастлабки «партия»да бир-бирини ўрганди. Чиндан ҳам финал ўйинининг иккинчи қирқ беш дақиқалик

қисми мухлислар кутган тезлик ва ҳаяжонли дақиқаларни ҳадя этди.

Шу ўринда бир хушхабарни айтиш жоиз. Фузорликлар ўзбек футбол ривожига катта муваффақият келтирган тактикани олиб киришга уринаётгани таҳсинга sazovordir.

Ўйиннинг 62-дақиқасида Т.Кападзе томонидан оширилган тўпга юқорироқ сакраб пешвоз чиққан миллий чемпионатимиз тўпурари Ристич боши билан финал тақдирини ҳал қилувчи зарбани йўллади. Якуний ҳисоб 1:0, «Қалдирғочлар» ўз тарихида иккинчи марта Ўзбекистон кубоги соҳибига бўлиб, келаси мавсумда Осиё чемпионлар лигасида қатнашиш имконини берувчи йўлланма эгасига ҳам айланишди.

Зоҳиджон ХОЛОВ, «Ma'rifat» мухбири

ҲАМКОРЛИК ЮТУҚЛАРГА ЗАМИН БЎЛМОҚДА

Жорий йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтиши кутилаётган таэквандо бўйича Жаҳон чемпионати баҳсларига Ўзбекистон терма жамоаси ҳам қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Айниқса, Жанубий Корея Республикасининг Тонггук университети билан олиб борилаётган ҳамкорлик ишлари эътиборга sazovordir. Мазкур университет мураббийлари — Кинг Чанг Су ва Чои Ин Су айни кунда терма жамоамиз аъзолари билан машгулотлар ўтказмоқда.


Машгулотлар Ўзбекистон Таэквандо ассоциацияси спорт залида ўтказилаётган бўлиб, терма жамоанинг 20 нафар аъзоси таэквандо сирларини мукаммал ўрганмоқда. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ўқитувчиси Шахло Нуриддинова бу ҳақида шундай дейди:

— Таълим даргоҳимиз билан Жанубий Кореянинг Тонггук университети ўртасида ўзаро алоқа

жуда яхши йўлга қўйилган. Таэквандо ватани мураббийларининг машгулотлари ўз натижасини тез орада кўрсатишига умид билдирамиз.

Айни кунда машгулотлар ўтказиш билан бирга, ўзбек маданияти ва тилини ўрганаётган мураббийларнинг ҳам таассуротлари бир олам.

— Дарслар мобайнида машгулот ўтиш услубимизда бироз



фарқлар кўзга ташланди, — дейди Кинг Чан Су. — Шундай бўлса-да, имкон борича кўпроқ амалий кўникмаларни ўргатишга ҳаракат қилмоқдамиз. Талабаларнинг ўзлаштириши жуда яхши. Бу ўлканинг ўзига хос табиати, одамлари қадрмон бўлиб қолди. Яқинда юртимизга қайтиб кетамиз. Ўзбекистонлик ёш спортчиларнинг муваффақиятларини кутиб қоламиз.

Санобар ЖУМАНОВА, «Ma'rifat» мухбири

ҲАРОРАТЛИ ФАСА ТААССУРОТЛАРИ



Куёш тафтидан қизарган ёноқларда мамнунлик. Таассуротлар тўла нигоҳларда севинчдан учкун...

Қувончлари кўксига сиғмаётган болакай ёзги таътил кунларини ўтказган қадрдон оромгоҳ ҳақида тинмай сўзлайди. Спорт тўғрагида сеvimли машғулотиға айланган шахматнинг сирли жиҳатлари, янги танишган ўртоқлари, сувлари марвариддек товланган сув ҳавзасида ҳаммадан ҳам узоқроқ сузолганини айтиб, тўлқинланиб кетади...

Ёнидаги ўртоғи эса таътил давомида жонажон маскани — мактабда уюштирилган рассомчилик ва мусиқа тўғарақларига қатнаганидан, бу санъат турларининг ўзига янги қирраларини кашф этганидан хурсанд.

Ота-оналар юзида хуррамлик...

Ҳа, оташин лаҳзалар, ҳароратли эсдаликларға бой ёз ўз ниҳоясига етиб бормоқда. Айниқса, мактабдан ташқари ва мактаблар қошида ташкил этилган ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқариб қайтган болалар, бугун янгича иштиёқ ва куч билан янги ўқув йилига тайёргарликни бошлаб юборган Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларға кўра, тизимдаги мавжуд 874 та (209та стационар, 665та кундузги) оромгоҳға тўрт босқичда 245 минг нафар болани қабул қилиш режалаштирилган эди. Ҳозирда дам олиш мавсумининг тўртинчи босқичи давом этмоқда.

Хуллас, бу давр ким учундир болалиқнинг жўшқин онлари бўлиб хотирасига муҳрланган бўлса, кимгадир мактаб кучоғини тарк этиш ва талабалик деб аталмиш бўстонға кўприк вазифасини ўтади.

Дилшод КАРИМОВ



Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ИНДЕКС: 149, 150. G-722.
Tirajl 27788.

Hajmi 4 bosma taboq.

Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Oybuvi OCHILOVA.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi sharti. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.

belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonada manzil: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
Yil akumi — 21.00